БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 247 (2538). | 17 декабрь, сешанба. 1963 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ВАТАН РАВНАҚИ, ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН!

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми ўз ишини тамомлади. Пленум ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг «Химия саноатини жадал ривожлантириш —қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришнинг ва халқ фаровонлигини оширишнинг энг муҳим шарти» тўғрисидаги докладини муҳокама қилди ва бу доклад юзасидан яқдиллик билан қарор қабул қилди. Партиямиз Марказий Комитетининг бундан олдинги Пленумлари сингари декабрь Пленуми ҳам коммунистик қурилишнинг ғоят муҳим масаласини муҳокама қилди.

Партиямизнинг XXII съезди қарорларида, замонамизнинг коммунистик манифести —партия Программасида коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш —партия ва халқнинг асосий иқтисодий вазифаси эканлиги алоҳида уқдириб ўтилган. Ленинчи партиямиз Марказий Комитети ана шу асосий иқтисодий вазифани амалга ошириш учун курашиб, ҳозирги замон фани ва техникасининг муваффақиятларидан жамиятимиз ишлаб чиқарувчи кучларини ўстиришда фойдаланиб, халқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларини жадал суръатлар билан ривожлантирмоқда. Партия ўзининг бутун фаолиятини халқ манфаатларига, унинг фаровон ҳаёт кечиришига, халқимизнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тобора тўлароқ қондиришга қаратмоқда.

Коммунистик партиямизнинг саноатда ва қурилишда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилашга, халқ хўжалигига партия раҳбарлигини такомиллаштиришга қаратилган муҳим чора ва тадбирлари натижасида Ватанимиз куч ва қудрати, унинг халқаро миқёсдаги обрў ва эътибори янада кучайиб ва ошиб бормоқда. Совет халқи коммунизмнинг нурли чўққилари сари голибона қадам ташламоқда. Сўнгги ўн йил мамлакатимиз ҳаётида, халқимиз ҳаётида тарихий йил бўлди. Совет Иттифоқи саноатининг ялпи маҳсулоти кейинги ўн йил ичида 2,7 баравар кўпайди. Меҳнат унумдорлиги қариб икки баравар ошди. 8.500 та янги йирик корхона қурилди. Қишлоқ хўжалигида ҳам катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Қўриқ ерлар ўзлаштирилганлиги, ҳосилдорлик оширилганлиги, ўсувчиликнинг маҳсулдорлиги ўсганлиги туфайли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва шу маҳсулотларни давлатнинг харид қилиши анча кўпайди. 1953 йилдагига нисбатан ўтган йили 1,8 баравар кўп дон, 2,4 баравар кўп гўшт, 2,7 баравар кўп сут, 3,2 баравар кўп туҳум, қарийб икки баравар кўп қанд лавлаги, 12 процент кўп пахта харид қилинди. Мамлакатда уй-жой қурилиши жуда кенг миқёсларда олиб борилди. Ҳар йили қурилаётган квартираларнинг сони жиҳатидан Совет Иттифоқи энг тараққий этган капиталистик мамлакатларни анча орқада қолдириб кетди.

Мамлакатимиз экономикасида, халқимиз ҳаёти ва турмушида бўлаётган бу жуда катта ўзгаришларни, унинг моддий ва маданий шароитлари тобора яхшиланиб бораётганлигини ҳарбир совет киши аниқ ва равшан кўриб турибди. Совет кишилари КПСС XXII съезди белгилаб берган улуғвор программани амалга ошириш учун зўр ғайрат ва ташаббус билан меҳнат қилаётган ва бу соҳада катта юриш бошлаган ҳозирги вақтда буюк мақсадимиз—коммунистик жамият қуриш сари кенг фронт бўйлаб янада тезроқ боришимиз учун ҳарбир кун, ҳарбир соатдан унумли фойдаланишимиз, барча резервлар ва имкониятларни тўла ишга солишимиз керак. Шу жиҳатдан декабрь Пленуми белгилаб берган буюк режалар алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев ўз докладида бундай деди: «Партия нима учун химия саноатига шундай эътибор бермоқда? Бу тармоқни жадал ривожлантиришдан алоҳида манфаатдор бўлганлигимизнинг бойиси нима?... Халқ хўжалигида химия саноати ҳозирги вақтда биринчи ўринга қўйилаётганлигининг сабаби шуки, химиявий маҳсулотлар ва синтетик материалларни қўлланиш моддий ишлаб чиқаришнинг етакчи соҳаларида тубли сифат ўзгаришларини амалга ошириш имконини беради... Механизация билан бир қаторда химиянинг жорий қилиш қишлоқ хўжалигида революция бўлади, энг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш сари йўл очиб беради. Ўғитлардан кенг фойдаланиш ва ирригацияни ривожлантириш кўпгина районларда дон ва техника экинларидан муттасил юқори ҳосил олишни гарантиялаб қўйишга имкон беради».

Химия — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришда қудратли воситадир. Химия — мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларининг мўл-кўллигини вужудга келтиришдан иборат энг муҳим вазифани ҳал қилиш калитини қўлимизга беради. Химия — халқ истеъмоли учун кенг ва ранг-баранг ассортиментда юқори сифатли товарлар ишлаб чиқариш соҳасида ҳам чексиз имкониятлар очиб беради.

Коммунистик партия химиянинг ана шу буюк истиқболларини, мўжизаларини, унинг битмас-туганмас манба эканлигини эътиборга олиб, мамлакатимиз халқ хўжалигида, айниқса қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда химиядан кўпроқ фойдаланишни ва химия саноатини жадал ривожлантиришни асосий вазифа қилиб қўймоқда.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати, шахсан қадрдонимиз ўртоқ Н. С. Хрушчев дон хўжалигини, чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни кескин кўпайтириш, яқин йиллар ичида дон етиштиришни 5—7 миллиард пуд кўпайтириш, яъни ялпи ҳосилни йилига 14—16 миллиард пудга етказиш вазифасини қўйдилар. Республикамиз пахта етиштиришни йил сайин кўпайтириб бориши лозим. Қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштириш, чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш эндиликда кўп жиҳатдан химияга, химия саноати ишлаб чиқараётган минерал ўғитларга боғлиқ бўлиб қолди.

Совет кишилари, жумладан областимиз меҳнаткашлари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг ёрқин докладини ва КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорини, қизғин кутиб олдилар. Улар саноатда ва қишлоқ хўжалигида янги марраларни эгаллаш, Ватанимиз куч ва қудратини янада ошириш, халқ фаровонлигини бундан ҳам яхшилаш учун курашга отландилар. Барча партия, совет, касаба союз, комсомол, хўжалик ташкилотлари ўзларининг бутун куч ва ғайратларини Пленум белгилаб берган коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини — халқ хўжалик планларини, химия индустриясини ривожлантириш планларини бажаришга қаратишлари керак.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ СЕССИЯСИ

Кеча 16 декабрда Кремлда олтинчи чақириқ СССР Олий Советининг учинчи сессияси ўз ишини бошлади.

Эрталаб соат 10 да Катта Кремль саройида Иттифоқ Совети, Кремль театрида Миллатлар Советининг мажлислари бўлди. Ҳар иккала палата алоҳида-алоҳида ўтказилган мажлисларда олтинчи чақириқ СССР Олий Совети учинчи сессиясининг қуйидаги кун тартибини яқдиллик билан тасдиқлади:

1. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1964—1965 йиллардаги Давлат плани тўғрисида.

2. СССРнинг 1964—1965 йиллардаги Давлат бюджети ва 1962 йилги СССР Давлат бюджетининг ижроси тўғрисида.

3. СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

* * *

Соат 11 да Катта Кремль саройида Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлиси очилди.

Президиум столи ёнида Иттифоқ Советининг Раиси **И. В. Спиридонов**, Миллатлар Советининг Раиси **Я. В. Пейве**, Иттифоқ Совети Раисининг ўринбосарлари **М. А. Абдураззоқов, Ш. М. Гасанова, К. И. Сатпаев, М. А. Стельмах**, Миллатлар Совети Раисининг ўринбосарлари **С. Бегматова, И. А. Каиров, А. Е. Корнейчук, Ф. А. Сурганов** ўз ўринларини оладилар.

Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, О. В. Куусинен, А. И. Микоян, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник, В. В. Гришин, Л. Н. Ефремов, К. Т. Мазуров, Ш. Р. Рашидов, П. Е. Шелест, П. Н. Демичев, Л. Ф. Ильичев, В. И. Поляков, Б. Н. Пономарев, В. Н. Титов, А. Н. Шелепин ўртоқлар ложаларга чиққанларида депутатлар ва меҳмонлар уларни давомли, гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар.

Раислик қилувчи И. В. Спиридонов Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ И. Гендрих бошчилигидаги Чехословакия Социалистик Республикаси партия-ҳукумат делегацияси сессияда ҳозир бўлганлигини айтади. Депутатлар ва меҳмонлар қардош халқ вакилларини самимий табриклайдилар.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси **П. Ф. Ломако** СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1964—1965 йиллардаги давлат плани тўғрисида доклад қилди.

СССР молия министри депутат **В. Ф. Гарбузов** СССРнинг 1964—1965 йиллардаги Давлат бюджети ва 1962 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисида доклад қилди.

СССР Олий Советининг сессияси 17 декабрда ўз ишини давом эттиради. (ТАСС).

УЛКАН НУРХОНА

ЎРТА ОСИЁ ЭНЕРГЕТИКАСИНИНГ ГИГАНТИ— ТОШКЕНТ ГРЭСИ САНОАТ ТОКИ БЕРДИ

Ўрта Осиё нур манбалари сафига яна бир гигант электр станция қўшилди: иқтисодий райондаги энг йирик нурхонанинг биринчи агрегати қуриб битказилди.

Бу шодиёналик бир умр Тошкент ГРЭСи қурувчилари ва монтажчиларининг ёдида сақланиб қолади. Улар ўз меҳнатларининг илк самарасини кўриб беҳад қувонмоқдалар. Бинобарин, бу ғалабадан ёлғиз бинокорлар эмас, бутун республикамиз меҳнаткашлари қувонаётирлар, нур яратувчиларни биринчи муваффақият билан муборакбод қилмоқдалар.

... Турбинага буғ беришдан илгари ўрнатилган қудратли асбоб-ускуналар, барча механизмлар яна бир бор синчиклаб текшириб кўрилди. Ҳаммаси беками-нўст ишлади. Бу, турбогенераторни ишга тушириш мумкинлигидан дарак берарди.

Блок шчитидаги контроль асбоблар Бухоро табиий гази қозонхонага бир меёрда келиб турганлигини кўрсатарди. Ҳосил бўлган буғ ҳарорати, атмосфера босими технологияда кўзда тутилган даражада. Деман, бошлаш мумкин! Шунда турбинани ишга тушириш ҳақида буйруқ берилди. Ричаг кўтарилади. Барчанинг диққат-эътибори блок шчитидаги приборларда.

Турбина атрофи ҳам шу кезда одамлар билан тўлган эди. Турбинанинг клапанлари бирин-кетин очилади. Юқори ҳароратли ва кучли босимга эга бўлган буғ агрегат роторларидаги қуранчаларни ҳаракатга келтиради. Электр станциянинг биринчи турбогенератори айлана бошлайди. Айланиш тезлиги аста-секин орта бориб минутига 3 минг оборотга етади. Бу, чегара. Демак, турбогенератор Узбекистон энергетика системасига саноат токи беришга тайёр! Агрегатни синаб кўриш бир неча соат давом этди.

Сўнгги кунларда иш айниқса қизғин бўлди. Бинокорлар, монтажчилар, эксплуатациячилар, тунни кунга улаб меҳнат қилдилар. Ун минг кубометр ҳажмда эҳтиёт ёқилғи — мазут сақлаш омборхонаси, подстанция, техника мойи ва химиявий сув турадиган ёрдамчи хўжаликлар тахт қилиб қўйилди. Айни вақтда неласи йилнинг сентябрь ойида ишга туширишга мўлжалланаётган 150 минг киловатт қувватли навбатдаги агрегатни ҳам монтажлаш учун тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Бу, графикда белгиланган муддат. Борди-ю, биринчи блок монтажи олти ой ичида тугалланганлигини назарда тутсак, иккинчи агрегатни ҳам муддатидан эртароқ фойдаланишга топширишга умид бор.

Коллектив кўп иш қилди. Етарли тажриба бўлмаганига қарамай биринчи агрегат сифатли монтаж қилинди. Бу ҳақда эксплуатациячилар зўр мамнуният билан гапирмоқдалар.

— Механизмлар яхши монтаж қилинган. Бу, шубҳасиз, блочнинг нуқсонсиз ишлашини таъминлайди, — дейди навбатчи инженер ўртоқ Қ. Абдураззоқов.

Газетамиз вёрсраси тугаш олдидан редакция телефони жиринглаб қолди. Тошкент ГРЭСи директори ўртоқ Н. Алибоев диллари хушнуд этадиган ажойиб хушхабарни маълум қилди:

— Биринчи турбогенератор сўнгги синовдан муваффақиятли ўтиб, дастлабки электр қуввати ишлаб чиқарабошлади, —деди у.— станция Узбекистон энергетика системасига уланди!

Т. МИРҲОДИЕВ.

Суратда: ГРЭС қурилишида фидокорлик кўрсатаётган Виктор Хаханов раҳбарлигидаги комплекс коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари — биринчи қаторда (чапдан): А. Гулков, В. Хаханов, В. Захарченко; иккинчи қаторда: А. Широбоков, П. Будённий, Н. Шеклини ва И. Моисеев ўртоқлар.

ХИМИЯ САНОАТИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ—ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИДИР

КПСС Марказий Комитети Пленумининг ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ доклади юзасидан 1963 йил 13 декабрда бир овоздан қабул қилган қарори

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми мамнуният билан қайд қиладики, КПСС XXII съездидан кейин ўтган икки йил ичида совет халқи Ленин партиясининг раҳбарлигида халқ хўжалигини ривожлантириш, КПСС Программасида қўйилган вазифаларни бажариш ишида катта ютуқларга эришди. Коммунистик қурилишнинг ютуқлари, тинчликсевар ташқи сиёсат изчиллик билан ўтказилаётганлиги, марксизм-ленинизм таълимоти ижодий ривожлантирилиб, ҳозирги замоннинг тарихий шароитига татбиқ қилинаётганлиги СССРнинг, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг халқаро обрўйи тағин ҳам баланд кўтарди.

Социалистик революциянинг ғалабасидан кейин хўжалик қурилиши, экономика коммунизм учун курашнинг ҳал қилувчи майдони бўлиб қолди, деб Ленин берган кўрсатмаларга партия ўзининг бутун фаолиятида оғишмай амал қилиб келмоқда. **«Биз халқаро революцияга ўзимизнинг асосий таъсиримизни ўз хўжалик сиёсатимиз билан ўтказамиз,** —деб таъкидлаган эди В. И. Ленин...—**Бутун дунё миқёсида кураш шу соҳага кўчирилди. Агар биз бу вазифани ҳал қилсак, —у вақтда халқаро миқёсда албатта ва узил-кесил ғалаба қозонган бўламиз».**

Партия СССРда коммунистик қурилишни совет халқининг буюк интернационал вазифаси деб, бутун жаҳон социалистик системасининг манфаатларига, халқаро пролетариатнинг, бутун инсониятнинг манфаатларига жавоб берадиган вазифа деб билади. СССР да коммунистик қурилишнинг ютуқлари — жаҳон социалистик системасини мустаҳкамлашнинг умумий революцион ишига, барча мамлакатлардаги ишчилар синфининг эксплуатациясига ва зулмга қарши курашига, халқларнинг империализмга ва мустамлакачиликка қарши, ўзининг озодлиги ва мустақиллиги учун курашига Ленин партияси, бутун совет халқи қўшаётган буюк ҳиссадир. Бу — бутун дунёда тинчлик учун, демократия ва социализм учун халқлар олиб бораётган курашга қўшаётган ҳиссамиздир. Совет Иттифоқи социалистик мамлакатларни қардошларча дўстлик ва ўзаро ёрдам негизида жипслаштириш ва уларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўлини изчиллик билан ўтказиб келмоқда.

Партиямизнинг ленинча йўли, КПСС XX, XXI ва XXII съездларининг қарорларини амалга ошириш коммунистик қурилишда, мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришда, мамлакатнинг қудратини мустаҳкамлаш ва халқ фаровонлигини ошириш, янги кишини тарбиялаш ишида янгидан-янги ғалабалар келтирмоқда.

Саноатнинг ялпи маҳсулоти кейинги ўн йил ичида 2,7 баравар, меҳнат унумдорлиги қарийб икки баравар кўпайди. Саноат маҳсулоти ўсишининг ҳар йилги ўртача суръати 10,5 процент бўлди. Замонавий техника билан ускуналанган 8500 та янги улкан саноат корхоналари қурилди. Қўриқ ерлар ўзлаштирилганлиги, ҳосилдорлик ошганлиги, чорвачилик маҳсулдорлигининг ўсганлиги туфайли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва бу маҳсулотларни давлатнинг харид қилиши анча кўпайди. Бу йил қиш жуда совуқ келганлигига ва қаттиқ қурғоқчилик бўлганлигига қарамай, 1953 йилдагига қараганда 1,4 баравар кўп дон, 2,6 баравар кўп гўшт, 2,7 баравар кўп сут, 2,5 баравар кўп сабзавот харид қилинди. 1963 йилда Совет Иттифоқида 5 миллион 200 минг тонна пахта териб олинди. Бу — совет пахтачилиги тарихида олинган энг кўп ҳосилдир. Картошка, мева ўтган йилдагига қараганда анча кўп тайёрланди, чой баргини териб олиш плани ошириб бажарилди.

Иҳтимоий ишлаб чиқаришнинг тез ўсганлиги миллий даромаднинг ўн йил ичида 2,3 баравар кўпайишини ва ҳар бир ишловчига ҳисоблаганда меҳнаткашларнинг реал даромади 61 процент ўсишини таъминлади. Шу давр ичида уй-жой қурилиши жуда кенг авж олиб кетди. 108 миллион киши — мамлакат аҳолисининг қарийб ярмиси янги уйларга кўчиб кирди ва ўзининг уй-жой шароитини яхшилаб олди.

Совет халқи халқ хўжалигини ривожлантиришнинг етти йиллик планини амалга ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда. Беш йил ичида ялпи маҳсулотнинг ўсиши контроль рақамларда мўлжалланган 51 процент ўрнига 58 процентни ташкил қилади. Шу йиллар ичида мамлакат плардан ташқари 14 миллион тоннадан кўпроқ пўлат, 22 миллион тоннадан ортиқроқ нефть, 3 миллион тоннага яқин минерал ўғит, 900 миллион сўмликдан зиёдроқ автоматлаштириш приборлари ва воситалари олади. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш соҳасида етти йилликнинг беш йил учун белгиланган топшириғи 3 миллиард сўм миқдорида ошириб бажарилади.

Партия халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида техника тараққиётини жадаллаштириш йўлини қатъият билан ўтказиб келмоқда. Янги техника кенг жорий қилинганлиги натижасида кейинги беш йил ичида асосий ишлаб чиқариш фондларининг деярли ярмиси янгиланди.

Коммунистик партия хўжалик қурилиши масалаларига биринчи даражада аҳамият бериб, саноатга, қурилишга ва қишлоқ хўжалигига раҳбарликни қунт билан такомиллаштирмоқда. КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорлари асосида партия органларининг ишлаб чиқариш принципига қараб қайта ташкил этилганлиги партия ташкилотларининг саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалигида муайян бир мақсадни кўзлаб, конкрет раҳбарлик қилишларига имконият яратиб берди. Партия планлаштиришни яхшилаш, техника сиёсатини марказлаштириш, капитал қурилишни тўғри ташкил этиш ва бутун иқтисодий ишни юксак даражага кўтариш соҳасида муҳим тадбирларни белгилади.

Бизнинг марксчи-ленинчи партиямиз, социалистик революция партияси ўзининг бутун фаолиятини илмий асосга қурмоқда ва янги дунёни барпо қилишда, ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантиришда қудратли революцион куч бўлиб майдонга чиқмоқда.

Ҳозирги шароитда халқ хўжалигининг сарфланган капитал маблағлардан қисқа вақт ичида энг кўп иқтисодий манфаат келтириш имконини берадиган энг прогрессив тармоқларини устун даражада ривожлантириш биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Ҳозирги вақтда **химия саноати** мамлакат экономикасини ривожлантиришда жуда муҳим роль ўйнайди. Химия саноати қишлоқ хўжалигини, ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини янада юксалтириш ва халқ фаровонлигини ўстиришнинг энг муҳим воситасидир. Химия, физика, биология, математика соҳасидаги энг янги кашфиётлар жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ғоят тез суръатлар билан ривожлантириш имкониятини туғдиради. Коммунизмнинг моддий-техника базасини муваффақиятли суратда барпо қилиш халқ хўжалигида фан ва техниканинг энг янги ютуқларидан нечоғлик кенг ва тўла фойдаланишга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Кейинги йилларда илм-техника тараққиёти, Ватанимизда ва чет элларда тўпланган тажриба химия индустриясининг имкониятлари ортиб бораётганлигини тобора кенг кўламда очиб беради, жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришда химия индустриясининг ролини оширади. Ҳозирги вақтда халқ хўжалигини ривожлантиришда химия саноати биринчи ўринга қўйилаётганлигининг сабаби шуки, химиявий материалларни жорий қилиш моддий бойлик ишлаб чиқаришнинг етакчи соҳаларида тубли сифат ўзгаришлари ясайди. Бу ўзгаришлар маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва халқнинг моддий фаровонлигини янада яхшилаш учун жамғармаларнинг кўпайтирилишини таъминлаш имконини беради.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми келгуси етти йилликда минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларини ҳамда деҳқончилик ва чорвачилик учун керакли бошқа химиявий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кескин суратда кўпайтириш мақсадида маблағ ва бутун куч-ғайратни қудратли химия саноатини вужудга келтиришга қаратишни кечиктириб бўлмайдиган энг асосий вазифа, деб ҳисоблайди. Минерал ўғитлар — қишлоқ хўжалигини юксалтириш асосларининг асосидир. У минерал ўғитлардан кенг фойдаланиш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсив суратда олиб бориш учун йўл очиб беради. Далаларнинг ҳосилдорлигини ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш учун химиянинг қудратли кучидан тўла фойдаланиш керак токи мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотларига ва саноатнинг хом ашёга бўлган эҳтиёжлари тўла таъминлансин.

Химия озиқ-овқат саноатининг технологияси ва экономикасини юксак даражага кўтариш учун жуда катта имкониятлар очиб беради, медицинани ривожлантиришга катта таъсир кўрсатади. Кичик химия деб аталган химия бир қанча муҳим масалаларни ҳал этиши керак ва шу сабабли, унга ҳам жиддий эътибор бериш лозим.

Химия индустриясини жадал ривожлантириш сунъий толалар, кўн-терининг ўрнини босадиган материаллар, пластмассалар, синтетик плёнкалар ва бошқа материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига ҳамда техника экинлари ҳосилдорлигини ошириш, чорвачиликни ривожлантириш ҳисобига совет халқининг кийим-кечак, пойафзал ва бошқа товарларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш проблемасини ҳал этиш имконини ҳам беради.

(Охири иккинчи бетда).

ХИМИЯ САНОАТИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ—ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИДИР

(Боши биринчи бетда).

Химия саноати оғир индустрияда ва қурилишда техниканы тараққий эттириш учун катта истиқболлар очиб беради. Полимер материалларни қўлланиш техникани тараққий эттиришда олға қараб катта қадам қўйилишини билдиради ҳам технология процессларини яхшилайди ва тезлаштиради, машина ва ускуналар конструкцияларини такомиллаштиришга, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва таннархини камайтиришга ёрдам беради, меҳнат унумдорлигини оширишни таъминлайди. Қурилиш ишларининг тобора индустриалаштирилиши, қурилиш муддатларининг қисқартирилиши ва қимматининг камайтирилиши химиявий маҳсулотларнинг қурилишда ва биноқорлик материаллари саноатида қандай ўрин олишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Химиянинг энг янги ютуқларини оғир саноат ва қурилишга татбиқ этиш — давлат нуқтаи назаридан ғоят муҳим иштир.

Халқ хўжалигини химиялаштириш саноатнинг бошқа тармоқларига таллуқли бўлган химиявий процессларни, жумладан, нефть ва ёғочни қайта ишлаш, қора ва рангли металлар, ойна-шишалар, ўтга чидамли материаллар, чала ўтказгичлар ва бошқа кўп материаллар ишлаб чиқаришнинг химиявий процессларини такомиллаштиришни ҳам ўз ичига олади.

Совет Иттифоқи химия саноатини янада кучли суратда юксалтириш учун зарур нарсаларнинг ҳаммасига эгадир. Совет халқи КПСС Марказий Комитети май (1958 йил) Пленумининг қарорини бажара бориб, улкан химия қурилишини кенг кўламларда авж олдириб юборди ва ҳозирдаёқ анча катта муваффақиятларга эришди.

Беш йил ичида оғир саноатнинг шу соҳасига сарфланган капитал маблағлар миқдори 5,3 миллиард сўмга етди. Бу эса, Совет ҳокимияти ўрнатилганидан буён ўтган қирқ йил мобайнида химияни ривожлантириш учун сарфланган капитал маблағ миқдоридан қариб бир ярим баравар ортиқдир. Беш йил ичида 35 химия заводи ва 250 дан ортиқ йирик химия корхонаси ишга туширилди. Эндиликда етти йиллик мобайнида қурилган завод ва цехлар химия саноати асосий фондларининг учдан икки қисмини ташкил этади. Бошқирдистон, Волга бўйи, Озарбайжон, Сибирда ва Украинанинг ғарбий областларида ҳамда Ўрта Осиё республикаларида хом ашёнинг энг тежамли турлари—нефть билан қўшилиб чиқадиган газ, табиий газ ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари базасида химиявий маҳсулот ишлаб чиқарадиган саноатнинг янги йирик марказлари вужудга келтирилди. КПСС Марказий Комитетининг май Пленумидан кейин мамлакатимизда химия машина-ускуналари ишлаб чиқариш 2,7 баравар ортди.

Партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети май Пленумининг қарорларини бажариш соҳасида кенг кўламда сиёсий ва ташкилотчилик ишлари олиб бормоқдалар. Ленин комсомоли химия индустрияси корхоналарини қуришда актив қатнашмоқда. Бир қанча химия заводлари ва қурилиш ташкилотларининг коллективлари ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш ва реконструкция қилиш, янги химия корхоналари қурилишини жадаллаштириш ва уларнинг ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштириш соҳасида қимматли ташаббус кўрсатдилар. Тула, Москва, Ленинград, Горький, Луганск, Грозний областлари, Ставрополь ўлкаси ва мамлакатнинг бошқа районларидаги корхона ҳамда қурилишларнинг ишчилари, инженерлари, техниклари ана шу шонли ташаббусларни бошлаб бердилар.

Янги қувватларнинг ишга туширилиши, корхоналар коллективларининг ишлаб чиқаришни интенсивлаш соҳасида қилган катта ишлари беш йил ичида химия маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 39 процент ошириш имконини берди. Синтетик смола ва пластмассалар ишлаб чиқариш 2,3 баравар, химиявий толалар ишлаб чиқариш 1,9 баравар, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 1,6 баравар кўпайди. Синтетик каучук, автомобиль шиналари, олтингугурт кислотаси ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш анча кўпайди. Бу эса, енгил саноатда, машинасозликда, қурилишда ва бошқа соҳаларда химиявий материалларни янада кенг қўлланиш имконини берди. Беш йил ичида саноатда ва қишлоқ хўжалигида химия маҳсулотларидан фойдаланиш натижасида салкам уч миллиард сўм иқтисод қилинди.

Шу билан бирга, КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қайд қиладики, кўпгина партия, совет ва хўжалик органлари химия саноатини ривожлантириш учун мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланмадилар. Химия корхоналарини қуриш ва реконструкция қилиш учун ажратилган капитал маблағларнинг бир қисми ўзлаштирилмай қолди. Баъзи химия корхоналари йўл қўйиб бўлмайдиган даражада секин қурилмоқда, янги қурилган, реконструкция қилинган заводлар ҳамда корхоналарнинг лойиҳада белгиланган қувватларини ўзлаштириш муддатлари чўзилиб кетмоқда, лойиҳалаш ишларида жиддий камчиликлар бор. Химия машинасозлиги тез ўсиб бораётган химия саноатининг эҳтиёжларини қондирмаётир. Кўпгина химия корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг сифати айрим ҳолларда улар олдига қўйилган талабларга жавоб бермаётир. Химия қурилишлари ва ишлаб турган корхоналарнинг иши биринчи даражали ва энг муҳим иш бўлишига қарамай, баъзи партия ташкилотлари ва халқ хўжалиги кенгашлари бу иш билан кун сайин шуғулланмаётирлар.

Коммунистик қурилиш манфаатларини кўзда тутиб КПСС Марказий Комитетининг Пленуми халқнинг ва партиянинг эътиборини химия индустриясини жадал ривожлантиришга, халқ хўжалигида техникани тараққий эттириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш учун химиянинг муваффақиятларидан кенг фойдаланишга жалб этиш зарур деб ҳисоблайди.

Келгуси етти йил ичида химия саноатини ривожлантириш учун кўп капитал маблағ ажратилади. Халқ хўжалигининг ана шу энг муҳим тармоғини ривожлантириш программасини амалга ошириш учун саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги ходимлари, фан ва техника арбобларининг бутун кучини сафарбар қилиш, резерв ва имкониятлардан моҳирлик билан фойдаланиш талаб этилади.

Шу муносабат билан меҳнаткашларнинг ижодий ташаббусини кучайтиришда, фаннинг энг янги ютуқлари ва илғор тажрибаларни халқ хўжалигига жорий қилиш ишидаги қоқлиқ ва оператив сизликнинг ҳар қандай қуринишларига нисбатан шафқатсиз бўлиш вазиятини вужудга келтиришда партия-давлат контроли ва жамоат контролини кучайтиришда ҳамда химияни ривожлантириш давлат планларини бажариш учун меҳнаткашлар коллективларининг жавобгарлик туйғусини оширишда партия, касаба союз, комсомол ташкилотларининг роли бениҳоя ўсади.

Қудратли химия саноатининг вужудга келтирилиши мамлакатимизга иқтисодий жиҳатдан жуда катта манфаат келтиради. Сарф қилинадиган маблағларнинг берадиган самараси жиҳатидан саноатнинг бошқа ҳеч қайси тармоғи химия билан тенглаша олмайди. Етти йил ичида химияни ривожлантириш учун қилинадиган сарфларнинг ҳаммаси тўла қопланибгина қолмай, балки жуда кўп, миллиард-миллиард сўмлаб жамғарма ҳам беради. Бу эса партия Программаси қўйган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беради.

КПСС Марказий Комитети Пленуми **қарор қилади:**

1. Химия саноатини бундан буёнги етти йилда (1964—1970 йилларда) янада ривожлантиришнинг ўртоқ Н. С. Хрушчев докладида баён қилинган программаси маъқуллансин. Бу программани амалга ошириш партия ва давлатнинг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин, партия ва халқнинг яқин даврда бутун кучини шу программани бажаришга қаратиш зарур.

СССР Госпланига, иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига 1970 йилда ишлаб чиқаришни кўпайтириб, уни қуйидаги миқдорга етказишни халқ хўжалик планларида белгилаб қўйиш топширилсин:

— минерал ўғитлар — 70-80 миллион тонна;

— гербицидлар ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг бошқа воситалари — 800-900 минг тоннагача;

— химиявий толалар—1 миллион 350 минг тонна;

— пластмасса ва синтетик смолалар — 3,5-4 миллион тонна;

— автомобиль шиналари— 44 миллион дона;

— лак-бўёқ материаллари —2,4-2,8 миллион тонна;

— синтетик спирт ва ёғ ўрнида ишлатилувчи синтетик материаллар ишлаб чиқариш халқ хўжалиги эҳтиёжини тўла қондирадиган ва техникада ишлатилиб келинган озиқ-овқат маҳсулотларининг ўрнини тўла эгаллайдиган миқдорда кўпайтирилсин.

Синтетик каучук ва резина-техника буюмлар ишлаб чиқаришни жадал суръатлар билан ривожлантириш кўзда тутилсин.

Химиявий маҳсулотларнинг, айниқса минерал ўғитларнинг сифатини яхшилаш чоралари кўрилсин, бу маҳсулотлар таркибидаги тўйимли моддалар анча кўпайтирилсин ва уларнинг физик ҳоссалари яхшилансин. Бу программани амалга ошириш учун химия саноатига ва шу вазифаларни ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига зарур капитал маблағлар ажратиш кўзда тутилсин.

2. Марказий Комитет Пленуми химиянинг жуда катта имкониятларидан биринчи навбатда **қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш** ва мамлакатда озиқ-овқатни мўл қилиш учун фойдаланиш лозим деб ҳисоблайди.

Иттифоқчи республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари ва Министрлар Советлари, ўлка, область партия комитетлари, колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия комитетлари ва шу бошқармаларнинг бошлиқлари, қишлоқ бошланғич партия ташкилотлари қишлоқ хўжалигини химиялаштириш ва механизациялаш, ирригация ва мелиорацияни ривожлантириш, шунингдек биология фанининг муваффақиятларидан яхшироқ фойдаланиш асосида барча қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини анча оширишга эришсинлар.

Яқин йиллар ичида дон етиштиришни 5-7 миллиард пуд кўпайтириш, яъни донинг ялпи ҳосилини 1970 йилда 14-16 миллиард пудга етказиш энг зарур вазифа деб ҳисоблансин. Дон етиштиришни мана шундай кўпайтириш мамлакатнинг ғаллага бўлган эҳтиёжини тўла таъминлашга, давлат резервларини тўлдиришга ҳамда зарур миқдорда гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олишга имкон беради.

СССР Министрлар Совети, иттифоқчи республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари ва Министрлар Советлари химиянинг ривожланишини ва ўғитлар билан таъминланишини ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш даражасини, дон, техника экинларининг ҳосилини, картошка, сабзавот, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашнинг умумиттифоқ фондига ҳар бир республика қўшадиган ҳиссани белгилаб берсинлар.

Марказий Комитет Пленуми СССР Министрлар Советига, Халқ хўжалиги Олий кенгашига, СССР Госпланига, СССР Госстройига ва иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига қишлоқ хўжалик маҳсулотини тўла сақлаб қолишни ва бу маҳсулотдан энг самарали комплекс фойдаланишни таъминлашни назарда тутиб, қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишловчи саноатнинг қувватларини кўпайтириш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни топширади.

КПСС Марказий Комитети Пленуми суғориладиган деҳқончиликни ривожлантиришни ҳамда суғориладиган ерлардан фойдаланиб, гарантияланган миқдорда дон, айниқса шоли ва маккажўхори олиш учун база вужудга келтиришни муҳим вазифалардан бири деб ҳисоблайди. СССР Госпланига, иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига ирригация ва мелиорацияни ривожлантиришнинг ҳамда мавжуд суғориладиган ерлардан яхшироқ фойдаланишнинг конкрет тадбирларини ишлаб чиқиш топширилсин.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми совет, планлаштирувчи, хўжалик органларининг эътиборини шунга жалб қиладики, дон баланси ҳисоботи тузилаётган вақтда мамлакатнинг фақат озиқ-овқат учун ишлатиладиган донга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб қолмасдан, шу билан бирга, чорвачиликни концентрат озуқалар билан тўла таъминлашни, шунингдек эҳтиёт фондларини ва бошқа фондларни вужудга келтиришни ҳам кўзда тутишлари керак.

СССР Гослани минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бир қаторда қишлоқ хўжалигини гербицидлар ва ўсимликларни ҳимоя қиладиган бошқа воситалар билан таъминлаш, тупроққа солиш учун ишлатиладиган микроэлементлар, молларнинг озуқасига қўшиб бериладиган витаминлар, синтетик сқсил моддалар, аминокислоталар, антибиотиклар, шунингдек синтетик пленкалар, пластмасса қувурлар ва полимер материаллардан ясаладиган бошқа буюмлар билан таъминлашни ҳам кўзда тутсин.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми колхозлар ва совхозларнинг, колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармаларининг раҳбарларидан, «Союзсельхозтехника» ва транспорт ходимларидан минерал ўғитларни нобуд қилмай, тежаб-тергаб ва аваайлаб ташиш, асраш ва ишлатишни талаб қилади. Минерал ўғитларни ҳаммага оз-оздан таксимлаш сингари зararли практикага чек қўйиш зарур. Тупроқ, иқлим ва бошқа шароитлари энг кўп ҳосил олишга имкон берадиган районларга ўғитларни биринчи навбатда бериш керак. СССР Госплани, Қишлоқ хўжалик министрлиги, Госстрой, Йўллар министрлиги ва «Союзсельхозтехника» бирлашмаси складлар қуриш, ўғитларни ташиш, асраш ва ерга солиш системаси тўғрисидаги, бу ишлар учун зарур техникани ишлаб чиқаришни ташкил этиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқиб, СССР Министрлар Советига тақдим қилсинлар.

Қишлоқ хўжалигини химиялаштириш колхоз ва совхозларни ерга ўғит соладиган машиналар ва механизмлар билан ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари билан, қишлоқ хўжалик ишларини ўз вақтида ўтказиш учун керакли машина ва механизмлар билан таъминлаб туришни талаб қилади. Халқ хўжалиги олий кенгаши, СССР Госплани, Автотрактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги давлат комитети ва «Союзсельхозтехника» бирлашмаси қишлоқ хўжалигининг ана шу техникага бўлган эҳтиёжини тўла қондириш доир таклифларни ишлаб чиқиб, СССР Министрлар Советига тақдим қилсинлар.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари агрохимик мутахассислар тайёрлашни кенгайтирсинлар ҳамда колхозлар, совхозлар ва колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармаларидаги агрономларнинг, зоотехникларнинг малакасини ошириш ишини авж олдириб юборсинлар.

Қишлоқ хўжалигини химиялаштириш ишлари кенгайиб бораётганлиги сабабли ҳамда қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғитлар ва бошқа химиявий маҳсулотлар ва материаллардан тағин ҳам тўлиқ фойдаланиш мақсадида «Союзсельхозтехника» бирлашмасига ўхшаш тегишли орган тузиш зарур деб топилсин. Мана шундай орган тузиш масаласини кўриб чиқиш СССР Министрлар Советига топширилсин. Республикаларда, ўлкалар, областларда ва колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармаларида малакали агрохимия хизмати кўрсатувчи кадрлар бўлиши зарур.

3. Марказий Комитет Пленуми шуни қайд қиладики, **химия индустриясини ривожлантириш халқ истеъмол қиладиган юқори сифатли жуда хилма-хил моллар ишлаб чиқармоқ учун катта имкониятлар очиб беради.**

Кийим-кечак, пойафзал ва халқ истеъмол қиладиган бошқа моллар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида 1970 йилда бир миллион 350 минг тонна химиявий тола ишлаб чиқариш таъминлансин. Полимер материалларнинг сифатини яхшилаш, вискоза, капрон ва ацетат толалар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ҳамда бу толалар сифатини яхшилаш, лавсан, нитрон, винол ва бошқа шулар каби юқори сифатли толалар ишлаб чиқаришни, шунингдек янги синтетик смолалар ишлаб чиқаришни тезроқ кўпайтириш зарур.

Химиявий материалларни кенг жорий қилиш асосида қуйидаги нарсаларни ишлаб чиқаришни 1970 йилда тўбандаги миқдорга етказиш энг муҳим вазифа қилиб қўйилсин:

а) Газламалар ишлаб чиқариш 12 миллиард 300 миллион метрга етказилсин, яъни 1963 йилдагидан қарийб бир ярим баравар кўпайтирилсин;

б) Пайпоқлар ишлаб чиқариш 2 миллиард 200 миллион жуфтга етказилсин, яъни қарийб икки баравар кўпайтирилсин;

в) Трикотаж ички кийимлар ишлаб чиқариш бир миллиард 600 миллион донага етказилсин, яъни қарийб уч баравар кўпайтирилсин;

г) Устки трикотаж ишлаб чиқариш 400 миллион донага етказилсин, яъни уч баравар кўпайтирилсин;

д) Пойафзал ишлаб чиқариш 650 миллион жуфтга етказилсин, яъни 1963 йилдагидан қарийб бир ярим баравар кўпайтирилсин.

Кийим-кечак, пойафзал ва халқ истеъмол қиладиган бошқа моллар ишлаб чиқаришни мўлжалланган миқдорга етказмоқ учун СССР Госпланига ва иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига енгил саноат корхоналарининг қувватларини зарур миқдорда кўпайтиришни 1964—1970 йилларга мўлжалланган халқ хўжалик планларида кўзда тутиш топширилсин.

Химия саноатида янги соҳаларни ривожлантириш халқ истеъмол қиладиган кўпгина молларни ишлаб чиқаришга сифат ўзгаришлари киритади, трикотаж, сунъий теридан ва тўқилмаган материаллардан буюмлар ишлаб чиқаришни кенг миқёсда ташкил этишга имкон беради, молларнинг сифатини яхшилашга ва таннархини камайтиришга олиб келади. Мана шуларнинг ҳаммаси мазкур молларнинг чакана нархларини камайтириш учун қулай имкониятлар вужудга келтиради. Аҳолининг муттасил ўсиб бораётган эҳтиёжлари тўлароқ қондириладиган бўлиб қолади.

4. Химия саноатининг, жумладан пластмасса ва бошқа полимер материаллар ишлаб чиқаришнинг ривожлантирилиши оғир индустриянинг ва қурилишнинг кўп тармоқларида технологияни жиддий ўзгартиришга олиб келади.

Экономикамизнинг эҳтиёжлари ва имкониятларини назарда тутиб 1970 йилда 3,5-4 миллион тонна пластмасса ва синтетик смолалар ишлаб чиқариш зарур.

Фан ва техниканинг энг янги ютуқларини ишлаб чиқариш тажрибасини ва пластмассани жорий қилишнинг бераётган иқтисодий самарасини ҳисобга олиб, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган ва техника жиҳатдан имкони бўлган жойларда, айниқса, электротехника саноатида, химия ва нефть машинасозлигида рангли металлар ўрнида шу материалларни мумкин қадар кўпроқ ишлатиш; машиналарнинг узелларини ясашда, қувурлар ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаришда легирланган металлар ўрнига пластмассадан фойдаланиш зарур.

Ёғочни химиявий усулда қайта ишлаш неча ўн миллион кубометр ўтин ва ёғоч чиқиндиларидан рационал фойдаланишга имкон беради, бунинг халқ хўжалиги учун катта аҳамияти борлигини қайд қилиб, 1970 йилда целлюлоза ишлаб чиқаришни 11,5 миллион тоннага, қоғоз ишлаб чиқаришни 7 миллион тоннага, картон ишлаб чиқаришни 6 миллион тоннага, ёғоч қипиғидан плиталар ишлаб чиқаришни 4 миллион кубометрга, ёғоч толасидан плиталар ишлаб чиқаришни 400 миллион квадрат метрга ва фанер ишлаб чиқаришни 3,5 миллион кубометрга етказиш зарур деб ҳисоблансин.

Қурилишга, жумладан полларни бўяш учун лаклар ишлаб чиқаришга, пардозлаш материаллари, санитария-техника буюмлари ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаришга ҳам пластмассани кенг жорий қилиш керак, бу нарса катта иқтисодий самара беради.

Халқ истеъмол моллари учун, шунингдек саноат ва қурилишнинг турли тармоқлари учун, айниқса машинасозлик учун, шу жумладан автомобиль ва трактор саноати учун синтетик бўёқлар ва лак материаллар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин. Ишлаб чиқарилаётган бўёқларнинг сифати яхшилансин.

5. Синтетик ўриндошларни ишлатиш техника мақсадлари учун озиқ-овқат маҳсулотларини сарфлашни анча камайтиришга ва ҳатто бутунлай тўхатишга имкон беришини ҳисобга олиб, КПСС Марказий Комитетининг Пленуми СССР Халқ хўжалиги олий кенгашига, СССР Госпланига, СССР Халқ хўжалиги кенгашига, иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига озиқ-овқат ҳом ашёсининг ўрнини тўла равишда босадиган ўриндош материаллар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва 1967—1968 йилларнинг ўзидаёқ дон, қанд, ўсимлик мойи, сут ва картошкадан техника мақсадлари учун фойдаланишни ғўхатиш вазифасини топширади.

Саноат, қишлоқ хўжалиги ва аҳолининг маиший эҳтиёжлари учун зарур бўлган пленка ва лак-бўёқ материаллар, консервантлар ва бошқа химиявий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳам планларда кўзда тутилиши зарур, дори-дармонлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилсин.

6. Химия саноати учун ускуналар ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг катта аҳамияти борлигини қайд қилиб, **химия машинасозлигини** тез суръатлар билан ўстириш кўзда тутилсин. Бунинг учун ишлаб турган заводларнинг қувватлари зарур миқдорда кўпайтирилсин, ихтисослаштирилган машинасозлик корхоналари қурилсин. Машиналар, аппаратлар ва асбобларнинг техника даражаси оширилсин, ускуналарнинг сифати кескин равишда яхшилансин, химия машинасозлигининг илмий тадқиқот ва конструкторлик базаси кучайтирилсин, қурилишларга ускуналарни бутлаб етказиб бериш ташкил этилсин, СССР Халқ хўжалиги олий кенгашига, СССР Госпланига, СССР Халқ хўжалиги кенгашига, Химия ва нефть машинасозлиги давлат комитетига шу масалаларга доир конкрет таклифларни бир ой ичида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилсин.

7. Химия саноатини ривожлантиришнинг мўлжалланаётган программасини амалга ошириш химия корхоналари қуришни ташкил этишни ва уларни ускуналар билан жиҳозлашни тубдан яхшилашни талаб қилади.

Яқин етти йил ичида химия саноатида ва уни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган тармоқларда жуда катта ҳажмдаги капитал маблағлар ўзлаштирилиши керак. Бу вазифани муваффақиятли ҳал қилмоқ учун, аввало, қурилиш ташкилотларини мустаҳкамлаш, химия корхоналари энг кўп қурилаётган районларда ихтисослаштирилган қурилиш ташкилотлари тузиш, қурилишнинг индустриал базасини кучайтириш зарур. Барча иқтисодий факторларни ҳисобга олган ҳолда химия корхоналарини лойиҳалаш ва жойлаштириш иши кескин яхшиланиши керак.

СССР Халқ хўжалиги олий кенгашига, СССР Госстройига, СССР Госпланига ҳамда Химия ва нефть саноати давлат комитетига химия саноати корхоналарини қуриш ва реконструкция қилиш программасини ишлаб чиқиш ва бу программани муваффақиятли бажариш тадбирларини амалга ошириш топширилсин. Қурилган корхоналар ва цехларнинг ҳаммасини жуда қисқа муддат ичида ишга тушириш ва улардаги ишлаб чиқаришни лойиҳада мўлжалланган қувватга етказиш таъминлансин.

Республикалар, ўлкалар ва областларнинг партия ташкилотлари химия саноати учун бино қилинаётган ҳар бир корхона қурилишини алоҳида контроль остига олишлари, ҳар бир объектни ўз вақтида фойдаланиш учун топшириш ҳамда унинг қувватини тезроқ ўзлаштириш чораларини кўришлари лозим. Химия саноатининг янги корхоналарини қуришни жадаллаштириш билан бир қаторда ишлаб турган заводларда эскириб қолган ускуналарни модернизация қилиш ва алмаштириш ҳамда технология процессларини интенсивлаш йўли билан химиявий маҳсулот чиқаришни кўпайтириш имкониятларини топиш ва шу имкониятлардан фойдаланиш ишларини тез ҳам кенг авж олдириб юборилсин лозим.

Химия саноатининг янги корхоналари ва цехларини планлаштириш ва лойиҳалаш вақтида лойиҳаларда энг янги оптимал технология процессларини ишлаб чиқиш кўзда тутилсин ва қоида тариқасида йириклаштирилган агрегатлардан фойдаланиш назарда тутилсин, шунингдек комбинатлар системасида ишлаб чиқаришнинг тўғри нисбати белгилаб берилсин. Химиявий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришга алоҳида эътибор берилсин.

8. Химия саноатининг ўзида ҳам, шунингдек ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларида (металлургия, кўмир, нефть, цемент, ўрмон, энергетика ва шу каби саноатларда) ҳам ишлаб чиқариш чиқиндиларидан ва хом ашёдан ҳосил бўладиган маҳсулотлардан кенг комплекс фойдаланишни давлат комитетларининг, халқ хўжалиги кенгашларининг, корхоналарнинг, илмий ва лойиҳалаш ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблансин.

Бу эса минерал ўғитлар ва бошқа химиявий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун хом ашё ресурсларининг катта қўшимча манбаи бўлади. Бу—корхоналарнинг рентабеллигини оширишга, хом ашё ресурсларичи тежашга олиб келади, шунингдек йирик саноат корхоналари тўпланган ғаф онларда санитария шароитини яхшилаш воситаси ҳам бўлади.

9. КПСС Марказий Комитети Пленуми қудратли химия индустриясини вужудга келтиришда фаннинг катта роли борлигини қайд қилиб, Химия ва нефть саноати давлат комитети, Химия ва нефть машинасозлиги давлат комитети, СССР Фанлар академияси, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги зиммасига химия соҳасида ишлаётган илмий тадқиқот ташкилотларининг куч ва ғайратини янги материаллар ва таъсири тағин ҳам самаралироқ бўлган препаратлар яратишга, хом ашё ўрнида ишлатиладиган маҳсулотларнинг сифатини оширишга, иш унуми юксак ускуналарни қўлланишга, хом ашёдан самарали фойдаланишга, меҳнат ва энергетикани жуда кам сарфлаб, юқори сифатли химиявий маҳсулотлар ҳосил қилишга имкон берадиган тағин ҳам содда ва тежамли технология процессларини ишлаб чиқишга қаратиш вазифаси юклансин.

Фаннинг энг янги муваффақиятлари мана шу масалаларнинг ҳаммасини ҳал қилиш учун асос бўлиши лозим.

Янада самарали ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситалари, пластмассаларнинг янги турлари, химиявий толалар, синтетик каучуклар, бўёқлар, лаклар, пигментларнинг янги турларини ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқишни тезроқ тугаллашга, автомобиль шиналарининг сифатини, резина-техника буюмларининг сифатини ҳамда пластмассадан ва бошқа химиявий маҳсулотлардан ясалаётган буюмларнинг сифатини яхшилашга алоҳида эътибор бериш зарур. Бу — янги технологиялар ишлаб чиқаришга тез жорий қилинишни ва химия саноатида техника даражасининг энг юқори бўлишини таъминлаши лозим.

Илмий тадқиқот ташкилотларининг ишида яхши шарт-шароит вужудга келтирмоқ учун институтларнинг, лабораторияларнинг экспериментал базаси мустаҳкамлансин, улар энг янги ускуналар ва химиявий соф реактивлар билан таъминлансин. Завод лабораториялари малакали кадрлар билан мустаҳкамланиб, технология процессларини такомиллаштиришда уларнинг роли оширилсин.

Илмий тадқиқотларни ва саноатни аниқ ишлайдиган приборлар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилсин ва бу приборларни ясаш учун жуда ҳам нозик ускуналар билан жиҳозланган база вужудга келтирилсин.

Химия технологияси асослари бўйича: чунончи моделлаштириш методларини жорий қиладиган ва ҳисоблаш машиналарини қўлланган ҳолда, технология процессларини ҳисоблаб чиқадиган химия аппаратларини ишлатиш вақтида химиявий реакциялар, физик процесслар механизмини тадқиқ этиш соҳасидаги ишларни ҳам кўчайтириш керак. Бу эса химия индустриясини вужудга келтиришда техника тараққиётини жадаллаштириш имконини беради.

Бизнинг раҳбар илмий органларимиз, фаннинг барча ходимлари шу нарсани асос қилиб олишлари керакки, химия каби соҳа бутун экономикани ривожлантиришга ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган энг революционлаштирувчи соҳадир. Шу сабабли, химия фанига кенг йўл очиб бериш, бу фаннинг ривожланишига халақит берадиган бюрократик ғовларнинг ҳаммасини йўқотиш зарур.

Шунга биноан, Илмий-тадқиқот ишларини координациялаш давлат комитети, тармоқлар бўйича иш қўрувчи давлат комитетлари бутун эътибори фаннинг энг янги ютуқларидан ишлаб чиқаришда тез фойдаланишни уюштиришга ва халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида химиявий материалларни жорий қилишга қаратишлари лозим.

10. Химия саноати ва химия машинасозлиги учун кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ишлар кучайтирилсин. СССР Госпланига, Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига, Химия ва нефть саноати давлат комитетига, Химия ва нефть машинасозлиги давлат комитетига, профессионал-техника таълими давлат комитетига олий ва ўрта махсус таълим ва профессионал-техника таълими ўқув юртларининг шохобчаларини кенгайтириш ва уларда ўқувчилар сонини кўпайтириш, асосий ихтисосларда ишловчи ишчиларни тайёрлайдиган курслар ташкил этиш, уларнинг бир хилдаги илғор корхоналарда иш практикасини ўрганишларини йўлга қўйиш топширилсин.

11. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми химия саноатини ривожлантиришнинг буюк программасини муваффақиятли суратда амалга ошириш саноатнинг химияни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқларидаги корхоналар коллективларининг бу муҳим ишда актив иштирок қилишларига кўп жиҳатдан боғлиқдир, деб ҳисоблайди. Химия учун берилган топшириқларни намунали бажариш халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги хўжалик ва партия ташкилотларининг ва хусусан оғир индустрия корхоналарининг энг биринчи бурчидир. Қора ва рангли металлургия, ёқилғи саноати ва энергетика ходимлари химия корхоналарини, химия машинасозлиги заводларини ва қурилишларни прокат ҳамда металл буюмларнинг зарур хиллари билан, ёқилғи ва электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш чораларини кўришлари керак, химия корхоналари учун керакли технология хом ашёси ва хом маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш учун корхоналардаги мавжуд резерв ҳамда имкониятлардан энг кўп фойдаланилсин.

12. Иттифоқчи республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига, барча партия ташкилотларига Марказий Комитет шу Пленумининг қарорлари ва материалларини меҳнаткашларга чуқур тушунтириб бериш учун ташкилий ва идеология ишининг барча воситалари, форма ва методларидан фойдаланиш топширилсин. Ҳар бир совет кишиси шуни тушуниб олмоғи керакки, химия саноатини жадал ривожлантириш мамлакат халқ хўжалигини янада юксалтиришнинг ва халқ фаровонлигини оширишнинг энг муҳим шартидир. Пленум белгилаган программанинг амалга оширилиши пировардида ҳар бир меҳнаткашнинг зўр ғайрат билан ишлашига боғлиқдир. Партия ва касаба союз ташкилотлари химия индустриясини янада ривожлантириш программасини бажариш ва халқ хўжалигининг барча тармоқларида химиявий материалларидан моҳирлик билан фойдаланиш учун саноат, қурилиш, транспорт ва қишлоқ хўжалиги ходимларининг кенг мусобақасини уюштиришлари лозим.

* * *

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қаттиқ ишонч билдириб айтадики, партия ва халқ химия саноатини жадал ривожлантириш программасини коммунистик қурилиш учун, мамлакатимизнинг экономикаси ва унинг қудратини мустаҳкамлаш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган ғоят муҳим давлат иши, деб қабул қилади.

Бизнинг давлатимиз Совет ҳокимияти барпо қилинганидан буён ўтган ҳамма йиллар ичида халқ эҳтиёжларини қондириш билан бевосита боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш тармоқларига биринчи марта шу қадар кўп капитал маблағ ажратиш имкониятига эга бўлди. Мамлакатимизнинг тарихий тараққиёти шу тарифа бордики, ишчилар синфи, меҳнаткаш халқ ҳокимиятни ўз қўлига олганидан кейин бутун куч ва маблағларни оғир индустрияни вужудга келтириш учун сарф қилишга мажбур бўлган эди. Империализмга қарши курашда енгиб чиқиш, муваффақиятли суратда социализм қуриш учун металл, кўмир, нефть, ҳар хил машиналар керак эди. Владимир Ильич Ленининг таъбирича, биз оғир саноатни вужудга келтириш учун ҳамма нарсани, ҳатто, мактабларга бўладиган харажатларни ҳам тежашга мажбур бўлган эдик.

Бизнинг халқимиз партия раҳбарлигида биринчи даражали оғир саноатни вужудга келтирди. Эндиликда Совет мамлакати оғир индустрияни янада ривожлантира бориб, халқнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини бевосита қондириш мақсадида озиқ-овқат ва кенг истеъмол буюмларини кўпроқ ишлаб чиқариш учун жуда кўп маблағларни, химия, кишлоқ хўжалиги, енгил саноатни ривожлантиришга сарф қила олади. Совет кишиларининг фаровонлигини янада ошириш вазифаларини ҳал эт

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1964—1965 ЙИЛЛАРДАГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси депутат П. Ф. ЛОМАКО доклади

СССР Министрлар Совети, СССР Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1964—1965 йилги давлат плани лойиҳасини Олий Совет муҳокамасига тақдим қилади, дейди ўртоқ Ломако. Докладчи таъкидлайдики, куни кеча ўз ишини тамомлаган КПСС Марказий Комитетининг Пленуми совет халқи ҳаётида, мамлакатимизда коммунистик қурилиш соҳасида янги катта босқич ҳамда катта халқаро аҳамиятга эга бўлган воқеадир.

Ишчилар, колхозчилар, совет интеллигенцияси — бутун совет халқи партия Марказий Комитети Пленумининг қарорларини ғоят руҳланиб кутиб олди ҳамда химия саноати маҳсулоти ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва бу маҳсулотлардан фойдаланиш, улкан химиянинг янги объектларини тезроқ қуриш ва ишга тушириш соҳасидаги амалий вазифаларни бажаришга зўр ғайрат билан киришди.

СССР Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1964—1965 йилги давлат планининг Олий Совет муҳокамасига тақдим этилган лойиҳасида КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг халқ хўжалигини химиялаштириш ҳақидаги қарорларини бажариш юзасидан топшириқлар ва тадбирлар кўзда тутилган, бу катта ва муҳим умумхалқ ишида ҳар бир иттифоқчи республиканинг, корхона ва қурилишнинг роли ва ўрни белгилаб берилган.

Докладчи бу йил халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий якунлари ҳақида гапириб ўтади. Бу якунлар 1964—1965 йиллар плани учун асосий негиз қилиб олинган.

Бу йил саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 8,5 процент ортади, йиллик план 102 процентдан кўпроқ бажарилади. Умуман олганда, етти йилликнинг беш йили ичида саноатнинг ялпи маҳсулоти етти йиллик планда кўрсатилган 51 процент ўрнига 58 процент кўпаяди. Халқ хўжалиги ана шу йиллар учун мўлжалланганидан ташқари салкам 37 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти, 22 миллион тонна нефть, 14 миллион тонна қора металл прокати, 3 миллион тонна минерал ўғитлар ва бошқа кўпгина маҳсулотлар олади.

1963 йилда минерал ўғитлар, химиявий тола, электр энергияси, машинасозлик маҳсулотининг кўпгина турларини ишлаб чиқариш умуман саноатда бўлганидан юксакроқ суръатлар билан ривожланди. Қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш контроль рақамларда 1965 йил учун мўлжалланган даражадан ошиб кетди.

Аҳоли кўп талаб қиладиган кўпгина саноат ва озиқ-овқат товарларни ишлаб чиқариш планда кўзда тутилганидан тезроқ ўсмоқда.

Ҳамма корхоналар план топшириқларини бажаргандa эди, саноатни ривожлантириш соҳасида эришган муваффақиятларимиз янада кўпроқ бўлур эди, дейди ўртоқ Ломако. У айтадики, бир қанча корхоналарда илғор техника ва технология сусткашлик билан жорий қилинмоқда, ишга туширилган объектларнинг лойиҳадаги қувватини ўзлаштириш муддати чўзиб юборилмоқда, бунинг натижасида мамлакатга керакли маҳсулот камроқ олинмоқда.

1963 йилда қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўз фидокорона ишлари билан катта муваффақиятларга эришдилар.

Бироқ, ўтган йилги қишнинг қаттиқ совуқлари ва ёзнинг ғоят қурғоқ келганлиги мамлакатнинг асосий қишлоқ хўжалик районларида ҳосилга таъсир кўрсатди, бунинг натижасида дон, қанд лавлаги ва баъзи бошқа қишлоқ хўжалик экинлари маҳсулотини харид қилиш плани бажарилмай қолди. Партия ва ҳукумат меҳнаткашлар оғтиқча қийинчиликлар кўрмасинлар деб, донни тежаб сарфлаш ва унинг ресурсларини ошириш юзасидан тадбирлар қабул қилди.

Бу йил капитал қурилиш катта кўламда олиб борилмоқда. Кейинги йилларда кўпгина йирик илмий ва техника проблемалари соҳасидаги тадқиқотлар тугалланди. Бу тадқиқотлар халқ хўжалигини ривожлантириш учун катта аҳамиятга эгадир. Янги техникани жорий қилиш, технологияни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш натижасида саноатда меҳнат унумдорлиги 1963 йилда 6 процент ошади. Саноат маҳсулоти таннархини камайтиришдан план-дан ташқари 700 миллион сўмга яқин тежам олинади.

Уй-жой қурилишига ажратилган катта маблағлар шаҳарларда ва ишчи поселкаларида умумий саҳни 77 миллион квадрат метр бўлган уй-жой биноларини фойдаланишга топшириш имкониятини берди.

Халқ маорифи, маданият, соғлиқни сақлаш ишлари янада ривожланди. Давлатнинг социал-маданий тадбирларга ва фанни ривожлантиришга қилган харажатлари етти йилликнинг беш йили ичида шу йиллар учун белгиланган миқдордан ошиб кетди.

Чакана товар оборати ҳажми ўтган йилдагига қараганда 5 процент кўпаяди. Аҳолига гўшт ва гўшт маҳсулотлари, балиқ, сабзавот ва мева, мебель, телевизор, радиоприёмник ва бошқа маданий-рўзғор товарлари сотиш анча ортди.

Партия Марказий Комитети 1962 йил ноябрь Пленумининг халқ хўжалигига партия раҳбарлигини қайта қуриш тўғрисидаги қарорларининг амалга оширилиши, дейилади докладда, меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришдаги ички резервларни аниқлашдаги ташаббуси ва активлигини оширди, 1963 йилда халқ хўжалигини ривожлантириш натижаларига ижобий таъсир кўрсатди ва шубҳасиз 1964—1965 йилги давлат планини бажаришга янада кўпроқ таъсир кўрсатади.

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ 1964—1965 ЙИЛЛАРДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1964—1965 йилги план лойиҳаси партия Марказий Комитетининг бевосита раҳбарлигида корхона ва қурилишлар коллективлари, халқ хўжалиги кенгашлари, партия ва касаба союз ташкилотлари, иттифоқчи республикалар, давлат комитетлари, министрликлар ва бошқармалар, планлаштириш органлари қилган катта ишларнинг натижасидир.

Ўтган йиллардан фарқли ўлароқ, деб таъкидлайди ўртоқ Ломако, план икки йилга мўлжаллаб тузилди, бу эса корхоналар ва қурилишларда илғор техника ва технологияни жорий қилишга, маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқаришга, ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва фойдаланишга топшириш планини бажаришга тайёргарлик кўриш учун яхшироқ шароитлар вужудга келтиради. Бу эса партия Марказий Комитетининг планлаштиришда узлуксиз принципни таъминлаш ҳақидаги кўрсатмасига мос бўлиб тушади.

Иттифоқчи республикаларнинг планларини координациялаш ва бир-бири билан узвий боғлаш асосида тузилган 1964-1965 йилги халқ хўжалик планида тармоқларни ривожлантиришда ягона техника сиёсатини таъминлашга ҳамда илмий техника муваффақиятларини жорий этишга катта эътибор берилади.

Халқ хўжалигини ривожлантиришда партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида белгиланган асосий йўналишларга мувофиқ планда қуйидаги энг муҳим вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилади:

— Прогрессив тармоқларни, биринчи навбатда химия саноатини ва айниқса минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, пластмасса, химиявий тола, синтетик каучук, озиқ-овқат хом ашёси ўрнида ишлатиладиган маҳсулотлар ҳамда химия билан боғлиқ бўлган тармоқлар — химия машинасозлиги нефть ва газ саноати, нефтехимия целлюлоза-қоғоз саноатини устун даражада ривожлантириш;

— ишлаб чиқаришни интенсификациялаш, қишлоқ хўжалик моддий техника базасини янада мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш, шунингдек пахта ва дон етиштиришни кўпайтирмоқ мақсадида ирригация қурилишини кенгайтириш асосида қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш;

— фан ва техника ютуқларини халқ хўжалигига кенг жорий қилиш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириши ривожлантириш, корхоналар ва қурилишларнинг резервларидан тўлароқ фойдаланиш ва шу асосда меҳнат унумдорлигини ҳар тарафлама ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш ва хилларини кўпайтириш;

— халқнинг моддий ва маданий даражасини янада ошириш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш икки йил ичида 17,5 процент ортади. Саноат ишлаб чиқаришнинг тармоқ структурасида муҳим прогрессив силжишлар бўлади. Масалан, химия саноати маҳсулоти шу вақт ичида 36 процент, нефтни қайта ишлаш маҳсулоти 29 процент, химия ва нефть ускуналари ишлаб чиқариш бир ярим баравар кўпаяди.

Химия саноатини ривожлантиришда асосий эътибор қишлоқ хўжалиги учун маҳсулот ишлаб чиқаришни ва халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилади. Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 1964 йилда 25,5 ярим миллион тонна, 1965 йилда эса 35 миллион тоннага етади, яъни 2 йил ичида 75 процент ортади.

Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларини ишлаб чиқариш 1963 йилга нисбатан икки баравар кўпаяди. Ўсимликларни ҳимоя қилиш учун самарали химиявий препаратларнинг 23 янги хилини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришда химия тобора катта аҳамиятга эга бўлаверади. Химиявий тола ишлаб чиқариш икки йил ичида 44 процент, энг қимматли синтетик толалар — лавсан, капрон, нитрон ва бошқа толаларни ишлаб чиқариш эса, қарийб икки баравар кўпаяди. Пластмасса ва синтетик смола ишлаб чиқариш тез суръатлар билан ривожланади.

Докладчи айтадики, химия корхоналари қурилишини яхшилашга, қурилиш муддатларини қисқартириш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ўзлаштиришга алоҳида эътибор бериш керак.

Докладчи **нефть ва газ саноати** юзасидан белгиланган план устида тўхталиб ўтади. Бу план ана шу тармоқларнинг ёқилғи манбаи сифатидагина эмас, балки химия индустрияси учун хом ашё базаси сифатида ҳам аҳамияти тобора ошиб боришидан келиб чиқади.

Иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ хўжалиги кенгашлари, корхоналар, дейди докладчи, нефть, кўмир ва газ чиқаришни кўпайтириш билан бир қаторда ёқилғини тежаш юзасидан жиддий тадбирларни амалга оширишлари, ёқилғи, иссиқлик ва электр энергиясининг нобуд бўлишига қарши курашни яхшироқ ташкил этишлари, ёқилғининг маҳаллий турларини чиқаришни янада ривожлантиришга ва аҳолини ёқилғи билан таъминлашни яхшилашга эътибор беришлари зарур.

1964—1965 йилларда **мамлакатни электрлаштириш** ишида янги катта қадам қўйилади. Электр энергияси ҳосил қилиш 1965 йилда 508 миллиард киловатт-соатга етади, бу эса етти йиллик планга мувофиқ келади.

Электр энергиясини истеъмол қилишда химия саноати, қишлоқ хўжалиги ва транспортнинг улуши ортади.

Металлургия саноатини ривожлантириш планида прогрессив технологияни жорий қилишга, прокат сортаментини яхшилаш ва металл сифатини оширишга алоҳида эътибор берилган.

1965 йилда чўян эритиш 65,7 миллион тоннага, пўлат эритиш 89,3 миллион тоннага, прокат ишлаб чиқариш 69 миллион тоннага етади, бу эса етти йиллик план топшириқларига мувофиқ бўлади.

Машинасозлик соҳасида янги прогрессив машиналар ва ускуналарни ўзлаштириш, химия ва нефть ускуналари, қишлоқ хўжалик техникаси ишлаб чиқаришни, электроникани, асбобсозликни устун даражада ривожлантириш — жуда муҳим вазифадир. Машинасозлик ва металлни ишлаш маҳсулотининг ҳажми икки йил ичида 21 процент, умуман етти йилликда эса тахминан 2,4 процент ошади (контроль рақамларда икки баравар кўпайтириш мўлжалланган эди).

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми машинасозлар олдига ялпи йиллар ичидаёқ химия машинасозлигининг қудратли базасини вужудга келтириш ва химия саноатининг ускуналарга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш вазифасини қўйди. Шу сабабли химия ва нефть ускуналари ишлаб чиқаришни икки йил ичида бир ярим баравар кўпайтириш ҳамда ихтисослаштирилган заводлар қувватини янада кўпроқ ҳажмда ошириш мўлжалланди. Юқори унум билан ишлайдиган химия ва нефть ускуналарининг 145 тури ўзлаштирилади.

Қишлоқ хўжалигининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш учун етти йиллик планда мўлжалланганига қараганда анча кўпроқ қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқарилади. Масалан, икки йил ичида саноатимиз 700 мингдан кўпроқ трактор тайёрлайди, бундан 540 мингдан кўпроғи қишлоқ хўжалигига юборилади.

Ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғоч-созлик саноатини ривожлантиришдаги асосий йўналиш, деди сўнгра докладчи, ёғочни химиявий йўл билан қайта ишлашни тез ривожлантириш ва ёғоч чиқитларидан яхшироқ фойдаланишдан иборатдир. КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми шунга катта эътибор берди.

1964—1965 йилги планда **енгил ва озиқ-овқат саноатини** ривожлантиришга катта эътибор берилган. Икки йил ичида газлама ишлаб чиқариш қарийб 600 миллион метр кўпаяди. Аҳоли кўп талаб қиладиган буюмларни ишлаб чиқариш айниқса кўпайтирилади. Нафис ва қийин учун қулай бўлган трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш 33 процент, устки жун ва ярим жун трикотаж ишлаб чиқариш 58 процент ортади, тўқилмаган материаллар ишлаб чиқариш тез ривожлантирилади.

Химия саноатининг ривожланиши халқ истеъмол қиладиган хилма-хил юқори сифатли товарлар ишлаб чиқариш учун катта имкониятлар беради. Лавсан, нитрон аралаштириб тўқилган газламалар, плашч тикиладиган газламалар, айниқса капрон газламалар ишлаб чиқариш жуда кўпаяди. Эластик ипдан пайпоқ тўқиш беш баравар ортади.

1965 йилда чарм пойафзал ишлаб чиқариш 470 миллион жуфтга етади. Чиройли қилиб бўялган бўртма сунъий материаллардан, шунингдек енгил микропор таг чармлардан кўпроқ фойдаланилади.

Яқин йиллар ичида аҳолининг холодильникка бўлган талабини тўла таъминлаш проблемасини ҳал қилиш вазифаси қўйилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида партия ва ҳукумат белгилаган катта тадбирларнинг амалга оширилиши озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш имконини беради. Жумладан, қанд лавлагидан шакар тайёрлаш 51 процент, ўсимлик мойи ишлаб чиқариш 22 процент ортади.

Саноат ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш учун катта маблағлар ажратилмоқда. 1964—1965 йилларда енгил, озиқ-овқат ва балиқ саноатида сарфланадиган капитал маблағ ҳажми 335 миллион сўм бўлади ёки бундан илгариги икки йилдагига қараганда 53 процент кўпаяди.

Партия Марказий Комитети кўрсатиб ўтганидек, коммунистик қурилишнинг туб масалаларидан бири, деб давом этади ўртоқ Ломако, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига ва саноатнинг қишлоқ хўжалик хом ашёсига бўлган талабини тўла таъминлайдиган даражагача тез юксалтиришдан иборатдир. КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларида ва ўртоқ Н. С. Хрушчев докладида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичдаги бош йўли ёрқин кўрсатиб берилган. Бу йўл ишлаб чиқаришни интенсификациялашдан, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ва чорвачилик маҳсулдорлигини оширишдан иборатдир. Бу йўл 1964—1965 йилларда **қишлоқ хўжалигини** ривожлантириш планида тўла акс этди. Минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситалари, қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқариш ҳамда уларни қишлоқ хўжалигига етказиб беришни кўп даражада кўпайтириш кўзда тутилади. 1964 йилда қишлоқ хўжалиги 22 миллион тоннага яқин минерал ўғит, 1965 йилда эса 30 миллион тоннадан кўп минерал ўғит олади. Ўғитлардан энг самарали фойдаланиш мақсадида ўғитлар ғўза, қанд лавлаги, дон ва бошқа маҳсулотлар етиштириш учун ажратилади ҳамда ўғитдан фойдаланиш ҳосилни энг кўп даражада оширадиган районларга кўпроқ юборилади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, планда трактор, тупроқни ишлайдиган, уруғлик экадиган ва ҳосилни териб оладиган машиналар, ер қазиш техникаси, транспорт воситалари, бинокорлик материалларини кўп миқдорда етказиб бериш ҳисобига қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни кескин кучайтириш кўзда тутилади.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси, шунингдек суғориладиган деҳқончиликнинг кенгайтирилиши доннинг ялпи ҳосилини иттифоқчи республикаларнинг таклифларига асосан 1964 йилда 10,2 миллиард пуд ва 1965 йилда 10,6 миллиард пуд миқдорида, яъни етти йиллик план даражасида планлаштириш имконини беради.

Чорвачиликни ривожлантириш соҳасида молларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва уларнинг туёғини кўпайтириш кўзда тутилади. Чорвачиликнинг озуқа базасини кенгайтириш жуда муҳим вазифадир.

Докладчи икки йил ичида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга 11,5 миллиард сўм капитал маблағ сарфланишини айтади (етти йилликнинг ўтган тўрт йили ичида 10 миллиард сўм сарфланган эди).

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ажратилаётган жуда катта маблағлардан ишнинг кўзини билиб, оқилона, энг кўп самарали фойдаланишга эришмоқ зарур, дейди ўртоқ Ломако. Докладчи айтадики, 1964 йилда 4,1 миллиард пуд ва 1965 йилда 4,2 миллиард пуд миқдорида дон харид қилиш юзасидан белгиланган миқдор етти йиллик план топшириқларига мувофиқ келади ва аҳолини таъминлаш ва бошқа эҳтиёжлар учун давлатнинг галлага бўлган талабини қондиради. Шу билан бирга колхоз ва совхозларда уруғлик учун, колхозчиларга бериш учун, шунингдек чорвачиликни ем-хашак билан таъминлаш учун зарур миқдорда дон қолади.

Докладчи транспорт ва алоқанинг ҳамма турларини ривожлантириш перспективалари ҳақида ҳам тўхталиб ўтади.

Ўртоқ Ломако, планнинг энг муҳим бўлимларидан бири бўлган капитал қурилишга катта эътибор беради.

Капитал қурилишни планлаштиришнинг ўртоқ Н. С. Хрушчев таклиф қилган янги принциплари планни ишлаб чиқишда асос қилиб олинди.

Моддий ва молия ресурслари давлат марказлаштирилган капитал маблағлари ҳажмини 1964 йил учун 36 миллиард сўм ва 1965 йил учун 39,5 миллиард сўм миқдорида белгилаш имконини беради.

1964—1965 йилларда ишга туширилдиган ишлаб чиқариш қувватлари ўтган икки йилдагига нисбатан анча кўп бўлади; жумладан минерал ўғит ишлаб чиқариш бўйича 1,7 баравар, целлюлоза ишлаб чиқариш бўйича 4,2 баравар, қора металлни прокат қилиш бўйича 1,8 баравар кўп қувват ишга туширилади.

Капитал қурилиш планида кўзда тутилган катта ва муҳим вазифаларнинг бажарилиши қурилиш ишларини ташкил қилишни анча яхшилашни, айниқса химия корхоналари қурилишларидаги ихтисослаштирилган қурилиш-монтаж ташкилотларини мустаҳкамлашни, бинокорлик ишларини механизациялашни янада оширишни, материаллардан тежаб-тергаб фойдаланишни талаб қилади, деб таъкидлайди докладчи.

Сўнгра ўртоқ Ломако меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш масалаларига ўтади. Саноатда меҳнат унумдорлиги 1964 йилда 4,6 процент ва 1965 йилда 6,8 процент ошиши керак, бу эса саноат маҳсулотининг планда белгиланган ўсишининг 70 процентдан кўпроғини таъминлайди. Меҳнат унумдорлигини оширишнинг ярмидан кўпроғига ишлаб чиқаришнинг техника даражасини ошириш ҳисобига эришмоқ керак.

Планда кўзда тутилишича, саноат маҳсулотининг таннархини пасайтириш бўйича етти йиллик топшириқлари ортиги билан бажарилади.

ИТТИФОҚЧИ РЕСПУБЛИКАЛАР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Докладда иттифоқчи республикалар халқ хўжалигини ривожлантириш вазифалари характерлаб берилади.

Россия Федерацияси планнинг умумиттифоқ топшириқларини бажариша катта ҳисса қўшиши керак. Минерал ўғитлар, химиявий тола, пластмасса ва синтетик смола ишлаб чиқаришни кўпайтириш соҳасидаги топшириқлар айниқса муҳим аҳамиятга эгадир. Республика бутун химия саноатининг умумиттифоқ ишлаб чиқаришининг 75 процентдан кўпроғини ташкил қилади.

Бутун Иттифоқда чиқариладиган нефтнинг 82 проценти, Бутун Иттифоқда эритиладиган пўлатнинг 55 процентга яқини Россия Федерацияси ҳиссасига тўғри келади.

Енгил саноат маҳсулоти, айниқса маданий-маиший товарлар ишлаб чиқариш кўпаяди. Икки йил ичида озиқ-овқат саноатининг икки юздан ортиқ янги саноат корхонаси ва цехлари ишга туширилади.

Республика колхоз ва совхозлари қишлоқ хўжалик экинлари, айниқса дон, мойли экинлар, қанд лавлаги, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтиришлари керак.

Украина ССРда халқ хўжалиги мавжуд комплексини янада такомиллаштириш йўлидан ривожлантирилади ва бунда прогрессив тармоқлар, биринчи навбатда химия саноати ва машинасозлик устун даражада ўсади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсификация қилиш ва шу асосда дон, айниқса буғдой, маккажўхори, қанд лавлаги, кунгабоқар, гўшт ва сут етиштириш кўпайтириш соҳасида республика олдида муҳим вазифалар турибди.

Белоруссия ССР да саноат маҳсулоти икки йил ичида 22 процент ортади. Химия саноати, айниқса калий ўғитлари ишлаб чиқариш юксак суръатлар билан ривожланади. 1965 йилда Бутун Иттифоқда тайёрланган калий ўғитларининг 31 процентидан кўпроғи шу республикада ишлаб чиқарилади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, айниқса гўшт, сут, картошка етиштиришни янада кўпайтириш мўлжалланади.

Қозоғистон ССРда химия саноати, қора ва рангли металлургия, химия ва нефть машинасозлиги, энергетика, шунингдек озиқ-овқат саноати юксак суръатлар билан ривожланади.

Республикада Қоратовдаги жуда катта манбада мамлакатнинг фосфорит чиқариш бўйича иккинчи йирик базаси вужудга келтирилмоқда. Жуда катта Соколов-Сарбой кон бойитиш комбинатининг қурилиши тугалланади.

Қозоғистон колхоз ва совхозлари мамлакатни галла ва чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашга катта ҳисса қўшадилар.

Ўрта Осиё бўйича 1964 — 1965 йилги план биринчи марта ҳар бир иттифоқчи республика бўйичагина эмас, балки Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши ва бошқа республикаларо ташкилотлар бўйича ҳам ишлаб чиқилди, бу эса табиий ва меҳнат ресурсларидан комплекс ва янада самаралироқ фойдаланишга ёрдам беради.

Саноатнинг прогрессив тармоқлари — химия, газ, рангли металлургия тармоқларини жадал ривожлантириш билан бирга энергетика зўр куч билан тараққий этади. Икки йил ичида химия саноати маҳсулоти 60 процент, рангли металлургия маҳсулоти 40 процент ошади. Мамлакатдаги энг йирик Газли конининг саноат учун фойдаланишга топширилиши муносабати билан газ чиқариш 5,6 баравар кўпаяди. Мамлакатдаги энг йирик 2700 минг киловатт қувватли Норак гидроэлектростанцияси ва кўп энергия талаб қиладиган ишлаб чиқаришлар комплекси қурилади.

Ўрта Осиё республикаларида суғориладиган ерлар майдони икки йил ичида деярли 300 минг гектар кенгаяди.

Грузия ССРда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1964—1965 йилларда 21 процент, шу жумладан химия саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш икки баравардан зиёдроқ кўпаяди. Закавказьедаги энг йирик гидроэлектростанция — Ингури дарёсидаги 1,6 миллион киловатт қувватли ГЭС қурилиши давом эттирилади.

Чой барги ва бошқа техника экинлари, мева, узум етиштириш анча кўпайтирилади.

Озарбайжон ССР да саноат маҳсулоти ҳажми икки йил ичида 24 процент, химия саноати маҳсулоти эса 65 процент ортади. Минерал ўғитлар ва олтингугурт кислотаси ишлаб чиқарадиган қувватлар фойдаланишга топширилади.

Ирригация қурилиши бўйича катта ишлар бошлаб юборилади. Янги суғориладиган ерлардан асосан пахтачилик, узумчилик ва боғдорчиликни ривожлантириш учун фойдаланилади.

Арманистон ССРда икки йил ичида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 26 процент кўпайтирилади. Узумчилик, тамакичилик, сабзавотчилик, чорвачилик янада ривож топади.

Литва ССР, Латвия ССР ва Эстония ССРда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш кўпайтирилади.

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш соҳасида Болтиқбўйи иттифоқчи республикалари олдида катта вазифалар турибди. Сут-гўшт берадиган чорвачилик, чўчқачилик, зиғир, картошка етиштириш бўйича ихтисослаштириш кучайтирилади.

Молдавия ССРда икки йил ичида саноат маҳсулотининг ҳажми 26 процент ортади. Капитал маблағларнинг умумий ҳажмидан тахминан 40 проценти озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сарфланади.

ХАЛҚ ТУРМУШИНИНГ МОДДИЙ ВА МАДАНИЙ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тез ўсиши ва унинг ривожланишидаги прогрессив силжишлар совет халқи турмуш даражасини янада ошириш учун мустаҳкам моддий база бўлиб хизмат қилади. Планда миллий даромадни икки йил ичида 16 процент ошириш кўзда тутилган. Бу эса аҳолининг истеъмол ва даромад фондини янада кўпайтиришни таъминлайди.

1965 йилда ишчилар ва хизматчиларнинг сони 1963 йилга нисбатан деярли 5,5 миллион киши ортиб, 76,1 миллион кишини ташкил қилади. Иш ҳақи фонди икки йил ичида 12 процентдан зиёдроқ ортади ва етти йилликда белгиланганидан ортиқроқ бўлади. Кам ҳақ оладиган ходимларнинг ойлиқ иш ҳақини 40-45 сўмгача ошириш ҳамда шунга мувофиқ маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, уй-жой-коммунал хўжалиги ва аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги барча ходимларнинг иш ҳақини тартибга солиш учун маблағ ажратиш кўзда тутилган. Шундай қилиб, минимал иш ҳақини ошириш ва иш ҳақини тартибга солиш халқ хўжалигининг ҳаммэ тармоқларида тугалланади. Инвалидлик юзасидан бериладиган пенсияларнинг минимал миқдори ҳам оширилди.

1964—1965 йиллар мобайнида давлат бюджети, корхоналар, колхозлар ва касаба союзларининг маблағлари ҳисобига аҳолига бериладиган текин неъматларнинг суммаси 5 миллиард сўмдан зиёд ортади ва 1965 йилда қарийб 40 миллиард сўмни ташкил этади. Бу шуни билдирадики, 1965 йилда ҳар бир совет кишиси меҳнат даромадига қўшимча равишда ижтимоий истеъмол фондларидан текин суратда ўрта ҳисобда 170 сўмга яқин ҳар хил тўлов, имтиёз ва хизмат олади.

Савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш янада ривож топади. Аҳолига сут ва гўшт маҳсулотлари, балиқ ва балиқ маҳсулотлари, картошка, сабзавот, мева бошқа озиқ-овқат товарлари сотиш анча миқдорларда кўпаяди.

Газлама, кийим-кечак, пойафзал, айниқса трикотаж буюмлар синтетик материаллардан тайёрланган хилма-хил товарлар, мебель, холодильниклар, кир ювиш машиналари ва бошқа хил рўзғор-маданий буюмлар сотиш ҳам кўпаяди.

Аввалги йилларда бўлганидек, давлат маблағлари ҳисобига уй-жой қурилиши катта кўламларда амалга оширилади. Шу билан бир қаторда маблағ билан таъминлашнинг марказлаштирилмаган манбалари ҳисобига уй-жой қурилиши, шунингдек кооператив қурилиши ҳам кенг кўламларда олиб борилади. Икки йил мобайнида уй-жой кооперативлари учун 1963 йилдаги 1,6 миллион квадрат метр ўрнига жами 12 миллион квадрат метр уй-жой қуриш мўлжалланади.

Икки йил ичида жами 155 миллион квадрат метр уй-жойлар фойдаланишга топширилади. Бу — яна 15 миллион киши янги обод квартиралар олади демакдир. Янги уй-жойлар қурилганда хоналар ва ёрдамчи бинолар яхшироқ жойлаштирилади.

Уй-жой қурилишида Сибирь, Узоқ Шарқ, Узоқ Шимол районларига, шунингдек совхозларда обод уйлар қурилишига кўпроқ эътибор берилади.

Турли ўқув юртларида ўқувчилар сони кўпаймоқда. Икки йил мобайнида олий маълумотли 760 минг мутахассис ва ўрта маълумотли 1200 минг мутахассис тайёрлаш мўлжалланади.

Кино, матбуот, радио, телевидение ва бошқа маданий-оқартув муассасалари жуда ривож топади. Аҳолига медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилаш, физкультура, спорт ва туризмни ривожлантириш кўзда тутилади.

Экономикани, айниқса химия саноатини, қишлоқ хўжалигини, енгил саноат ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш учун, шунингдек халқ фаровонлигини ошириш учун кўп маблағлар ажратиш билан бир қаторда, планда мамлакатнинг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш учун зарур маблағлар ажратиш ҳам кўзда тутилади, деб таъкидлайди ўртоқ Ломако. Иқтисодий қурилишнинг кенг программаси Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ишига путур етказилмасдан амалга оширилади.

Сўнгра, докладда Совет Иттифоқининг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантириш проблемалари ёритилади.

СССРнинг социалистик мамлакатлар билан товар оборати бутун ташқи савдонинг ривожланишига қараганда тезроқ ривожланади. Совет Иттифоқи социалистик мамлакатларга кўп миқдорда нефть, темир рудаси, қора металлар прокати, кўп турдаги ускуналар ва бошқа товарлар етказиб беради.

Совет Иттифоқи мустамлака қарамлигидан озод бўлган ва ўзининг мустақил миллий экономикасини вужудга келтираётган мамлакатларга ишлаб чиқариш корхоналарини ва бу мамлакатларнинг тараққиётида муҳим роль ўйнайдиган маданий-маиший объектларни қуришда ёрдам кўрсатади.

Етти йиллик планни муваффақиятли амалга ошириш ва халқ хўжалигимизни тез ўстириш натижасида 1964—1965 йилларда иқтисодий тараққиёт даражаси жиҳатидан Америка Қўшма Штатларига етиб-олиш ва ундан ўзиб кетиш вазифасини ҳал этишда янги марраларга эришилади, дейди ўртоқ Ломако. Докладчи СССР саноат ишлаб чиқаришининг 1965 йилга мўлжалланган даражасини 1958 йилда Америка Қўшма Штатларида бўлган даража билан таққослайди. Бундан келиб чиқадики, 1965 йилда СССР да маҳсулотнинг энг муҳим кўпгина турларини — минерал ўғитлар, чўян, пўлат, прокат, темир рудаси, кокс, кўмир, машинасозлик маҳсулотининг айрим турлари, цемент, дераза ойнаси, ёғоч, тахта, жун газлама, қанд-шакар, мол ёғи ва бошқа баъзи бир маҳсулотлар ишлаб чиқариш, балиқ ови 1958 йилда Америка Қўшма Штатларида бўлган даражадан ортиқ бўлади.

Америка Қўшма Штатлари бу йиллар ичида бирмунча олга силжиди, албатта. Аммо, буни ҳам эътиборга олганда, СССР 1965 йилда юқорида айтиб ўтилган маҳсулотнинг муҳим турларидан кўпларини ишлаб чиқариш соҳасида АҚШ даги ҳозирги ишлаб чиқариш даражасидан ўзиб кетади ёки ана шу даражада бўлади.

Умуман олганда, 1953 йилда СССР саноат маҳсулотининг ҳажми Америка маҳсулотининг учдан бир қисмигина ташкил этган эди, етти йилликнинг бошига келиб тахминан ярмини ташкил этди, бу йил эса биз АҚШдаги ҳозирги маҳсулот ҳажмининг қарийб 65 проценти миқдорида маҳсулот ишлаб чиқарамиз. АҚШнинг 1958 йилдаги саноат ишлаб чиқариш ҳажми қандай даражада бўлса, 1965 йилда тахминан шу даражага эришамиз, ёки АҚШ саноат ишлаб чиқаришининг ҳозирги даражасининг тўртдан уч қисмига эришамиз.

1964—1965 йиллар халқ хўжалиги планининг бажарилиши ва ошириб бажарилиши, — дейди докладчи сўзининг охирида, мамлакат экономикасини янада прогрессив ривожлантиришнинг ва коммунизм моддий техника базасини вужудга келтириш ҳамда совет халқининг жаҳонда энг юксак турмуш даражасига эришуви соҳасида партия XXII съезди қўйган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишнинг мустаҳкам негизи бўлади.

Марксизм-ленинизм революцион таълимоти билан қуролланган улуғ ленинчи партиямиз совет халқини комил ишонч билан коммунистик жамият қуриш йўлидан олиб бормоқда.

Партия ва халқнинг иродаси партия Марказий Комитети декабрь Пленумининг қ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

СССРНИНГ 1964-1965 ЙИЛЛАРДАГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ҲАМДА 1962 ЙИЛГИ СССР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДА

СССР молия министри депутат В. Ф. ГАРБУЗОВ доклади

Депутат ўртоқлар! СССР Министрлар Совети, — деди ўртоқ В. Ф. Гарбузов, — халқ хўжалигини ривожлантириш етти йиллик планининг якуновчи йиллари — 1964—1965 йилларга мўлжалланган СССР Давлат бюджетини қараб чиқиш ва тасдиқлаш учун сизларга ҳавола қилмоқда. Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида қаҳрамонона меҳнат қилиб, коммунизм қурилишининг КПСС XXII съезди эълон қилган улуғвор Программасини амалга оширмоқда, коммунистик жамиятнинг моддий-техника базасини муваффақият билан яратмоқда.

Куни кеча ўз ишини тамомлаган КПСС Марказий Комитети Пленумининг белгилаган тадбирлари, ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигида партия Марказий Комитети сўнгги ўн йил ичида амалга оширган туб ўзгаришлар қаторидан муносиб ўрин олади. Бу — совет жамиятининг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаёти барқ уриб яшнаган чиракам буюк ўн йиллик бўлди!

Мамлакатимиз КПСС Программаси кўрсатмаларини амалга ошира бориб, капитализм билан иқтисодий мусобақада олга қараб жуда катта қадам қўйди. 1963 йилда СССР саноати маҳсулотининг ҳажми АКШ саноат маҳсулоти ҳажмининг карийб 65 процентини ташкил этди, ваҳолонки, ўн йил бурун у ердан бир қисмини ташкил этар эди. Сўнгги ўн йилда саноат ишлаб чиқариши ҳажмини 2,7 баравар кўпайтириб, механизациялаштириш ва автоматлаштириш даражаси ошди, меҳнат унумдорлиги карийб икки баравар кўпайди, ишлаб чиқариш ва муомала чиқимларини камайтириш натижасида талайгина маблағлар тежаб қолинди. Етти йилликнинг бешинчи йили охирлаб қолган ҳозирги кунларда тўла ишонч билан айтиш мумкинки, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни ўстириш юзасидан белгиланган етти йиллик план топшириқлари ортиғи билан адо этилади.

Партия Марказий Комитети қишлоқ хўжалигини кескин юксалтиришни таъминлаш соҳасида ҳам ғоят катта иш қилди.

Халқнинг фароғати ва бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилиш Коммунистик партия фаолиятининг энг олий мазмунини ташкил этади, дейди докладчи. Ўтган ўн йил ичида миллий даромад 2,3 баравар кўпайиб, аҳолининг турмуш даражасини анча оширишнинг мустаҳкам негизи бўлди. Иш куни соатлари қисқартирилди, иш ҳақи кўпайтирилди. Меҳнаткашларни пенсия билан таъминлаш анча яхшиланди. Колхозчиларнинг даромадлари кўзга кўринарли даражада кўпайди. Ижтимоий истеъмол фондлари 2,3 баравар ўсди, бу эса аҳолининг ошиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш имконини бермоқда. Мамлакатда уй-жой қурилиши гигант миқёсларда авж олдириб юборилди.

СССР Олий Совети 1963 йилги Давлат бюджетини даромадлар бўйича 87,7 миллиард сўм, харажатлар бўйича 86,2 миллиард сўм миқдорида тасдиқлаган эди. Дастлабки маълумотларга кўра, 1963 йилда СССР давлат бюджети даромадлар бўйича 88,6 миллиард сўм миқдорида ёки киритилган ўзгартишларни ҳисобга олиб, планга нисбатан 100,2 процент ва харажатлар бўйича 86,8 миллиард сўм миқдорида, ёки 99,9 процент бажарилади. Даромадлар харажатлардан 1,8 миллиард сўм ортиқ бўлади.

Партия коммунистик жамият қуришнинг улуғвор программасини бажариш учун катта кураш олиб бормоқда. Бирон кунни ҳам бой бермай, ҳамма имкониятлар, ҳамма резерваларни ишга солиб, ана шу эзгу мақсад сари кенг фронт бўйлаб тағин ҳам тезроқ бориш керак.

1964—1965 ЙИЛЛАР БЮДЖЕТИ

Халқ хўжалиги плани сингари СССР Давлат бюджети ҳам 1964 ва 1965 йилларга мўлжаллаб тузилган. План ва бюджетнинг бир йўла икки йилга мўлжаллаб тузилаётгани халқ хўжалигини планлаштириш янада такомиллаштирилганлигидан, планлаштириш ишида узлуксизлик принципи ривожлантирилганидан дарак беради.

СССР Давлат бюджети қуйидаги миқдорларда тақдим этилмоқда: 1964 йилга — даромадлар бўйича 91,8 миллиард сўм ва харажатлар бўйича 91,3 миллиард сўм; 1965 йилга — даромадлар бўйича 101,2 миллиард сўм ва харажатлар бўйича 100,4 миллиард сўм. Даромадларнинг харажатлардан ортиқ қисми 1964 йилда 0,5 миллиард сўм ва 1965 йилда 0,8 миллиард сўм бўлади.

СССР Давлат бюджетининг харажатлари 1963 йилда ижроси кутилаётганига нисбатан (солиштирма шартларда) 1964 йилда 4,8 миллиард сўм, ёки 5,6 процент ҳамда 1965 йилда 9,1 миллиард сўм, ёки 1964 йилдагига нисбатан 10,0 процент кўпаяди.

Халқ хўжалигига 1964 йилда бюджетдан 38,7 миллиард сўм, ёки 1963 йилдагидан 4,0 процент кўп маблағ ажратиш кўзда тутилган. Корхона ва ташкилотларнинг ўз ресурсларини ҳисобга олганда, халқ хўжалигига қилинадиган харажатларнинг жами миқдори 1964 йилда 68,5 миллиард сўм ва 1965 йилда 74,4 миллиард сўм бўлади.

Бундан кейинги икки йилда халқ хўжалигига сарфланадиган кредитлар ҳам кўпаяди. 1965 йилнинг охиригача бундай кредитлар 6 миллиард сўм кўпайтириб, 58 миллиард сўмга етказилади. Кредитлар бюджет ресурслари ҳамда корхона, ташкилотлар ва аҳолининг жалб қилинадиган маблағлари ҳисобига кўпайтирилади.

Халқнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондириш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилиб, деди ўртоқ Гарбузов, давлатимиз социал-маданий тадбирларга каттагина маблағлар ажратмоқда. Ана шу мақсадга сарфланган маблағлар, 1952 йилдан 1963 йилгача 2,5 баравар кўпайди, бу маблағларнинг бюджетдаги салмоғи эса, бу йил 1952 йилдаги 26,7 процент ўрнига 36 процент бўлади. 1964—1965 йилларда социал-маданий тадбирларга қилинадиган харажатлар яна 3,4 миллиард сўм кўпайтирилади.

Биринчи галда яқин фурсат ичида ўқитувчилар билан врачларнинг иш ҳақи даражасини кўтариш ҳамда инвалидлик пенсияларининг минимал миқдорларини оширишни юзасидан халқ хўжалиги планида белгиланган тадбирларга мувофиқ, Давлат бюджетида ана шу мақсадлар учун зарур маблағлар кўзда тутилади.

Ҳукуматлараро битимларга мувофиқ, чет давлатларга иқтисодий ёрдам кўрсатиш учун маблағлар ажратиш бюджетда кўзда тутилган.

Социалистик хўжаликнинг жамғармалари — бюджет даромадларининг ҳал қилувчи манбаидир. 1964 йилда давлат ва кооператив корхоналар ҳамда ташкилотлардан келадиган тушумлар 84,6 миллиард сўмни, ёки бутун бюджет ҳажмининг 92,2 процентини, 1965 йилда 93,6 миллиард сўмни, ёки 92,5 процентини ташкил этади. Ана шу тушумларнинг айрим турлар бўйича қуйидаги миқдорларда бўлиши мўлжалланади:

(Миллиард сўм ҳисобида)

	1963 йил	1964 йил	1965 йил
Фойдадан ажратмалар	26,1	29,5	34,8
Оборот солиғи	33,9	35,1	37,6
Давлат корхоналари ва ташкилотларининг социал страхованиега взнослари, колхозлар ва кооперациядан олинадиган даромад солиғи, таможня даромадлари ва бошқа даромадлар	19,8	20,0	21,2

Давлат корхоналари ва ташкилотларининг оладиган фойдаси тобора катта аҳамият касб этади, социалистик такрорий ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг энг йирик манбаи бўлиб хизмат қилади. Халқ хўжалигида олинадиган фойданинг бутун миқдори 1964 йилда 36,6 миллиард сўмга етади, яъни бир йилда 20,7 процент кўпаяди; 1965 йилда 43,8 миллиард сўм фойда олиш планлаштирилган. Социалистик корхоналарда яратилаётган жамғармаларнинг бир қисми ҳисобланган оборот солиғи бюджет даромадларида каттагина ўрин тутади.

Социалистик экономиканинг муваффақиятлари ва хўжалик жамғармаларининг ўсиб бораётганлиги ахолидан бюджетга олинадиган тўловларни мунтазам камайтира бориш имкониятини берди. Бундай тўловларнинг бюджет даромадларидаги салмоғи 1952 йилдаги 18,5 процентдан 1964 йилда 7,8 процентга туширилади. Солиқлар камайтирилгани натижасида шаҳар ва қишлоқ аҳолиси сўнгги ўн йилликда йилига тахминан 2,1 миллиард сўм фойда кўрадиган бўлиб қолди. 1964 йил бюджетида аҳолидан 6,7 миллиард сўм миқдорида солиқлар олиш кўзда тутилган. Бу рақам маҳзуд ставкаларга асосланиб ва меҳнаткашларнинг даромадлари кўпайиб боришини назарда тутиб белгиланган.

Давлат страхованиеси янада ривож топади.

ХИМИЯ САНОАТИНИ ҲАМДА САНОАТНИНГ БОШҚА ТАРМОҚЛАРИНИ, ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА ИШЛАРИНИ МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Партия ва ҳукуматнинг химия саноатини устун даражада ривожлантириш тўғрисидаги қарорлари, деди сўнгра ўртоқ В. Ф. Гарбузов, 1964—1965 йилларидаги халқ хўжалиги плани ва бюджет кўрсаткичларида тўла акс эттирилди. Химия саноатининг маҳсулоти 1965 йилда 1963 йилдагига нисбатан 36 процент, шу билан бирга, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 75 процент, пластмасса ва синтетик смолалар ишлаб чиқариш 65 процент кўпайтирилади. Икки йил мобайнида 82 та химия корхонаси ва цехи ишга туширилиб, 37 та завод қурилиши бошлаб юборилади.

Химия саноатини ривожлантиришнинг бу ғоят катта программаси СССР Давлат бюджетидан зарур маблағлар билан тўла таъмин этилади.

Химия саноатини капитал маблағлар билан таъминлашга 1964 йилда 2,092 миллион сўм ёки 1963 йилдагидан 44 процент кўп ҳамда 1965 йилда 2,757 миллион сўм ёки 1964 йилдагидан 32 процент кўп пул ажратилади.

Химия саноатининг оборот маблағларини вужудга келтиришга муҳим маблағлар ажратиш кўзда тутилган, бу эса маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган планларни муваффақиятли бажариш учун шарт-шароитлар яратиб беради. 1965 йилда химия корхоналаридаги оборот маблағларнинг нормативи 1,3 миллиард сўмга етади.

Ҳисоблар шуни кўрсатмоқдаки, химия саноатига сарфланадиган ғоят катта капитал маблағларнинг ўрни яқин йиллар ичида ортиғи билан қоплаб олинади.

Улкан химияни яратиш соҳасидаги улуғвор планларни амалга оширишда илм-фан ниҳоятда катта роль ўйнайди. 1964—1965 йиллар бюджетида химия фанини ривожлантиришга 686 миллион сўм сарфлаш мўлжалланмоқда.

Оғир саноат такрорий ишлаб чиқаришни кенгайтиришда ҳамиша етакчилик ролини ўйнаб келди ва ўйнай беради, уни ривожлантириш коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишнинг ҳал қилувчи шартидир. 1964—1965 йиллар бюджетида оғир саноатни ривожлантиришга ажратиладиган маблағларни янада кўпайтириш, чунончи энергетикага 30,0 процент, нефть ва газ саноатига 38 процент кўп маблағ ажратиш кўзда тутилган.

КПСС XXII съездининг аҳоли эҳтиёжларини тобора тўлароқ қондириш тўғрисидаги қарорларига амал қилиб, давлат халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга катта-катта маблағлар сарфламоқда. 1964—1965 йилларда енгил саноат тармоқларига 1,3 миллиард сўм, озиқ-овқат саноати тармоқларига 2,4 миллиард сўм маблағ сарфланади.

Бундан кейинги икки йилда халқ хўжалигини ривожлантириш планида саноат маҳсулоти таннархини янада камайтириш мўлжалланмоқда: 1964 йилда таннарх солиштирма шартларда 1,6 процент ва 1965 йилда 1,8 процент камайтирилиши керак. Бу эса жамғармаларни тез кўпайтиришнинг асосий омили бўлади. Саноатнинг оладиган фойдаси 1964 йилда 20,8 миллиард сўм бўлиб, бир йилда 19,5 процент кўпаяди; 1965 йилда 25,8 миллиард сўмга етади, яъни 24,2 процент кўпаяди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

КПСС Марказий Комитети ва шахсан ўртоқ Н. С. Хрушчев қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилмоқдалар, деб таъкидлади ўртоқ Гарбузов. Аҳолининг ва халқ хўжалигининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондириш мақсадида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтиришга қаратилган тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда.

Давлатнинг колхоз ва совхозларга кўрсатаётган молия ёрдами тобора ортиб бормоқда. Сўнгги беш йилнинг ўзида етти йиллик планда мўлжалланган миқдорлардан ташқари қишлоқ хўжалигига қўшимча капитал маблағлар сарфлаш, янги совхозлар барпо қилиш, чорва маҳсулотлари, қанд лавлаги, пахта ва картошканинг харид ва топшириш нархларини ошириш учун, шунингдек қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги бошқа тадбирлар учун 8,7 миллиард сўм ажратилди.

1964—1965 йилларнинг халқ хўжалиги планида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш кўзда тутилган. Бу вазифа қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш — қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ва чорва маҳсулдорлигини кескин ошириш йўли билан ҳал қилинади.

Докладчи айтдики, 1964—1965 йилги халқ хўжалик планида кўзда тутилган қишлоқ хўжалигини ривожлантириш плани зарур молиявий ресурслар билан тўла таъмин этилади. 1964 йилда ана шу мақсадга 11,9 миллиард сўм, ёки бу йилгидан 22,5 процент кўп ва 1965 йилда 12,8 миллиард сўм пул ажратилади.

1964 йилда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига 5,4 миллиард сўм ва 1965 йилда 6 миллиард сўмдан кўп капитал маблағ сарфланади.

Қишлоқ хўжалигига ажратилаётган маблағлар 1963 йилдаги 15,9 миллион тонна ўрнига 1964 йилда тахминан 22 миллион тонна ва 1965 йилда 30 миллион тоннадан кўпроқ минерал ўғитлар етказиб берилишини таъминлайди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашда тобора муҳим ўрин эгаллаб келаётган совхозларни маблағ билан таъминлашга 1964 йилда 7,4 миллиард сўм, яъни 1963 йилдагидан 31 процент кўп ва 1965 йилда 8,4 миллиард сўм пул ажратилади.

«Союзсельхозтехника» Бутуниттифоқ бирлашмасининг товар сбороти ҳажми 1964 йил учун 6,8 миллиард сўм миқдорида, ёки 1963 йилдагига нисбатан 12,7 процент кўпайтириб белгиланди; 1965 йилда оборот 7,3 миллиард сўм бўлади.

1964—1965 йилларда тобора кўп миқдорда етказиб бериладиган минерал ўғитларни асраш учун талай миқдорда омборлар қуриб, бу ишга 260 миллион сўмдан ортиқ пул сарфлаш мўлжаллаб қўйилди.

Яқин икки йил ичида совхоз ва колхозларга малакали механизатор кадрлар тайёрлаб беришга 541 миллион сўм ажратилади. Ана шу маблағлар эвазига 700 мингдан кўпроқ киши тайёрлаб чиқарилади.

План ва бюджетда совхозлар маҳсулоти асосий турларининг таннархини 1962 йилдагига нисбатан 1964 йилда 9,1 процент ва 1965 йилда 14,2 процент камайтириш кўзда тутилмоқда. Бу нарса совхозларнинг 1964 йилда 240 миллион сўм ва 1965 йилда 661 миллион сўм фойда олишларини таъминлайди. Бу фойданинг талайгина қисми ўз ишлаб чиқаришини кенгайтириш, ходимларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш ва уларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш учун совхозлар ихтиёрида қолдирилади.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШНИ МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Партиямиз Программасида кўрсатиб ўтилганки, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш ғоят катта капитал маблағлар сарфлашни талаб қилади. Вазифа, — дейди ўртоқ Гарбузов, — ана шу маблағлардан энг оқилона ва тежамли суратда фойдаланиб, максимал натижага эришиш ва вақтдан ютиб қолишдан иборат.

Партия ва ҳукумат капитал маблағларнинг самарасини оширишга, капитал ишларнинг энг фойдали ва тежамли соҳаларини танлаб олишга, сарфланган ҳар бир сўм капитал маблағ эвазига энг кўп маҳсулот олинишини таъминлашга, бу маблағларнинг ўрнини қоплаш муддатларини қисқартиришга биринчи даражали аҳамият бермоқдалар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг кўрсатмаларига мувофиқ, 1964—1965 йиллар планида маблағлар, биринчи галда, ишга туширилаётган объектларга берилади, бу эса ана шу йиллар мобайнида ишлаб чиқариш қувватларини анча кўп ишга туширишни ва чала қоладиган қурилишларни камайтиришни таъмин этиши керак. Масалан, 1964 йилда асосий фондларни ишга туширишнинг 13,6 процент ва 1965 йилда 11 процент, химия саноатида эса 1964 йилда 48 процент ва 1965 йилда 36 процент ортади.

Халқ хўжалиги планига мувофиқ қурилишдаги оборот маблағларнинг ўсишини ҳам кўпайтириб, давлатнинг капитал ишларини 1964 йилда 36,5 миллиард сўм ва 1965 йилда 39,9 миллиард сўм маблағ билан таъминлаш мўлжалланган.

Партия ва ҳукумат, дейди докладчи, ўрнатилмаган ускуналардан ортиқча запаслар ҳосил бўлишига йўл қўйиш мумкин эмас, деб неча марталаб кўрсатиб ўтдилар. Шунга қарамай, бундай запаслар ортиб бораяпти, қурилиш ва ускуналарни келтириш муддатлари планларда етарли даражада бир-бирига мувофиқлаштирилмаганлиги ҳамда қурилиш ишларининг ўз вақтида битказилмаётгани бунга сабаб бўляпти.

Қурилишлардаги мавжуд ускуна запасларидан фойдаланиш эвазига 1964 йилда 425 миллион сўм ва 1965 йилда 170 миллион сўм миқдорида бўшатиб олинадиган пул капитал қурилишни маблағ билан таъминлаш манбаларида ҳисобга олиб қўйилди.

СССР Қурилиш банки ва молия органлари, деб уктиради ўртоқ Гарбузов, ускуналар сотиб олишга ажратилаётган маблағларнинг сарфланишини, ускуналар етказиб бериш ҳажмининг шу мақсад учун кўзда тутилган маблағларга мувофиқ бўлишини мунтазам контроль қилиб туришлари, ускуналар монтажини кечиктираётган қурилишларга нисбатан кескин чоралар кўришлари керак.

Қурилиш ташкилотлари 1964 ва 1965 йиллар учун белгиланган бинокорлик ишларининг ғоят катта программасини муваффақиятли амалга ошириш учун ҳамма шарт-шароитларга эга.

САВДОНИ МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Совет савдосини ривожлантириш — халқнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришнинг зарур шартидир, деб сўзини давом эттирди ўртоқ Гарбузов. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, савдо корхоналарининг ишини яхшилаш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилмоқдалар. Халқ хўжалиги плани чакана савдо оборотини 1964 йилда 5,7 процент ва 1965 йилда 6,4 процент кўпайтиришни кўзда тутади. Товар оборотининг белгиланган ҳажмини бажариш учун товар фондлари анча кенгайтирилади. Ана шу йиллар мобайнида давлат савдосига сарфланадиган капитал маблағлар қарийб бир миллиард сўмни ташкил этади, бу эса кўплаб миқдорда магазинлар, омборлар, сабзавотхоналар ва умумий овқатланиш корхоналари қуриб олиш имконини беради. Савдо ташкилотларининг оборот маблағлари 700 миллион сўм кўпаяди. СССР Давлат банкининг савдога қўшадиган кредитлари ҳам ортиб боради.

Замонавий модель ва фасондаги товарлар ишлаб чиқарилишини ўз вақтида таъминлаш учун, деб уқтиради докладчи, савдо ташкилотлари саноатнинг ишига кўпроқ таъсир ўтказмоқлари керак. Бизнинг саноатимиз фақат аҳоли талаб қиладиган товарларнигина ишлаб чиқариши лозим.

СОЦИАЛ-МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИ ВА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИНИ МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Партиямизнинг сиёсати, деди докладчи, коммунизмнинг: ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун! — деган буюк идеяси руҳи билан суғорилган. Партия Программаси халқнинг шахсий эҳтиёжларини ижтимоий истеъмол фондлари ҳисобидан тобора кўпроқ қондиришни кўзда тутади. Совет кишилари ана шу фондлар ҳисобига бепул ўқиш, медицина хизматидан фойдаланмоқдалар, пенсиялар, нафақалар ва ҳақ тўланадиган отпускалар билан таъминланмоқдалар. Бунда социализмнинг энг буюк ғалабаси ўз ифодасини топмоқда.

Социал-маданий тадбирларга 1964 йил бюджетида 32,7 миллиард сўм ва 1965 йилда 34,5 миллиард сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган. Айрим турдаги тадбирларга қуйидаги миқдорда маблағ ажратиш мўлжалланган:

(Миллиард сўм ҳисобида)

	1963 йил	1964 йил	1965 йил
Халқ маорифи, фан ва маданиятга	13,8	14,6	15,4
Соғлиқни сақлашга	5,3	5,4	5,7
Давлат социал страхованиеси ва таъминотига	12,0	12,7	13,4

1964 йилда умумий таълим мактаблари ва мактаб-интернатларни маблағ билан таъминлашга 4,3 миллиард сўм сарфлаш мўлжалланади. Бу маблағлар 46,9 миллион кишини ўқитишни таъминлайди, бу эса 1963 йилдагидан 2,3 миллион киши кўпдир.

Болалар боғчалари ва болалар яслиларининг шохобчаси йил сайин кенгайтирилмоқда. Ана шу муассасалар шохобчасини ривожлантириш суръатлари етти йиллик план топшириқларидан анча олдинда бораяпти. Етти йилликнинг ўтган йиллари мобайнида мактабгача муассасалардаги болалар сони 80 процент кўпайди, яқин икки йил ичида эса яна 20 процент кўпаяди.

Ҳозирги замон ишлаб чиқаришнинг манфаатлари юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни талаб қилмоқда. 1964—1965 йиллар бюджетида олий ва ўрта махсус ўқув юртларини асрашга қарийб 4 миллиард сўм пул сарфлаш кўзда тутилади.

Халқ хўжалигининг малакали ишчиларга бўлган эҳтиёжлари тез ўсиб бораётганлиги сабабли, дейди ўртоқ Гарбузов, сўнгги йилларда профессионал-техника таълими билим юртлари ва мактабларида кадрлар тайёрлаш анча кўпайтирилди. 1965 йилда ана шу ўқув юртларида 1958 йилдаги 0,8 миллион киши ўрнига 1,6 миллиондан кўпроқ киши ўқийди.

1964 йилда фанни ривожлантиришга 5,2 миллиард сўм, ёки бу йилгидан 5,6 процент кўп пул сарфлаш мўлжалланмоқда, 1965 йилда бу харажатлар 5,4 миллиард сўм миқдорида белгилаб қўйилди.

Социалистик давлат совет кишиларининг саломатлигини сақлаш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. 1964-1965 йилларнинг халқ хўжалик плани ва бюджетида даволаш-профилактика муассасалари шохобчасини тағин ҳам анча кенгайтириб юбориш ҳамда аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш тадбирлари кўзда тутилган.

Давлат социал страхованиеси ва социал таъминотига ажратиладиган маблағлар 1964 йилда 12,7 миллиард сўмга ва 1965 йилда 13,4 миллиард сўмга етказилади, яъни 1958 йилда шу мақсадга қилинган харажатлардан бир ярим баравардан зиёд кўпайтирилади.

Яқин икки йил ичида уй-жой қурилишини маблағ билан таъминлашга 8,8 миллиард сўм ажратиш мўлжалланади.

Уй-жой қурилишига кўплаб маблағ сарфлаш билан бир қаторда, давлат уй-жой фондини сақлаш ва ремонт қилишга, шунингдек коммунал хўжалигига талайгина маблағлар ажратади. 1964—1965 йилларда бу мақсадларга 5,7 миллиард сўм харажат қилинади.

МУДОФАА ВА БОШҚАРУВ ХАРАЖАТЛАРИ

Тинч-тотув яшашдан иборат ленинча ғоя, деб таъкидлади докладчи, Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг негизидир. Ана шу принципнинг изчиллик билан амалга оширилаётгани Совет Иттифоқи ва бутун социалистик ҳамдўстликнинг халқаро обрўсини мисли кўрилмаган юксакликка кўтарди.

Атмосферада, космик фазода ва сув остида ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисидаги Москва Шартномасининг тузилганлиги ҳамда ядро қуролини космосдаги орбитага чиқармаслик тўғрисида бир битимга келинганлиги халқаро кескинликни юмшатиш ва давлатлар ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш йўлида қўйилган муҳим қадам бўлди.

Совет ҳукумати 1964 йил бюджетида СССР Қуролли Кучларига қиличадиган харажатларни 600 миллион сўм камайтиришни кўзда тутиш мумкин, деб топди. 1964 йилги СССР Давлат бюджетида мудофаа харажатлари 13,3 миллиард сўм миқдорида кўзда тутилган, бу эса бюджетдаги ҳамма харажатларнинг 1963 йилдаги 16,1 процент ўрнига 14,6 процентини ташкил этади. Ажратилаётган маблағлар Совет Иттифоқига ўз мудофаа қобилиятини Ватанимиз ва бутун социалистик лагерь хавфсизлигини сўзсиз таъминлайдиган даражада сақлаб туриш имконини беради.

Партия ва ҳукумат, деб сўзини давом эттиради ўртоқ Гарбузов, бошқарув аппаратини такомиллаштириш ва арзонлаштириш ҳақидаги Ленин кўрсатмаларини оғишмай амалга ошириб келмоқдалар.

Бюджет ҳисобидан маблағ олиб турадиган давлат бошқарув органларини сақлаш харажатларини 1964 ва 1965 йилларда шу йилги даражада қолдириш, яъни ҳар йили 1,1 миллиард сўм сарфлаш мўлжалланади.

ИТТИФОҚЧИ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТЛАРИ

Барча иттифоқчи республикалар, дейди ўртоқ Гарбузов, СССР халқларининг қардошлиқ оиласида теңгларнинг тенги қатори ўз экономикаси ва маданиятини тез суръатлар билан ривожлантирмоқда. Сўнгги ўн йилда иттифоқчи республикаларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилганлиги, уларнинг хўжалик ва маданий қурилишдаги роли оширилганлиги, уларнинг ихтиёрига ғоят катта моддий ва молиявий ресурслар бериб қўйилганлиги ленинча демократик централизм принципининг чинакам ифодаси бўлди ва бу принципни янада ривожлантирди.

Бу ҳол иттифоқчи республикалар давлат бюджетларининг ўсишида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Иттифоқчи республикаларнинг давлат бюджетлари ўтган ўн йил мобайнида тўрт баравардан зиёд ўсди. Ҳозирги вақтда иттифоқчи республикаларнинг бюджетлари СССР Давлат бюджетининг ярмисидан кўпроқ қисмини ташкил этади, ваҳолонки, 1953 йилда фақат 21 процентига яқин қисмигина уларнинг ҳиссасига тўғри келган эди. СССР Давлат бюджетидан халқ хўжалигига ва социал-маданий тадбирларга қилинадиган ҳамма харажатларнинг қарийб 70 проценти иттифоқчи республикаларнинг бюджетлари орқали маблағ билан таъминланади.

Келгуси йилларда иттифоқчи республикаларнинг бюджетлари тағин ҳам кўпаяди: 1964 йилда 49,9 миллиард сўмга, 1965 йилда 52,9 миллиард сўмга баравар бўлади.

Айрим иттифоқчи республикаларнинг бюджетлари СССР Давлат бюджетига қуйидаги суммаларда киритилди:

(Миллион сўм ҳисобида)

	1964 йил	1965 йил
РСФСР	29.089	30.834
Украина ССР	8.266	8.860
Белоруссия ССР	1.527	1.621
Ўзбекистон ССР	1.593	1.776
Қозоғистон ССР	3.905	3.988
Грузия ССР	835	902
Озарбайжон ССР	817	885
Литва ССР	691	711
Молдавия ССР	434	459
Латвия ССР	551	555
Киргизистон ССР	473	489
Тожикистон ССР	434	466
Арманистон ССР	532	572
Туркманистон ССР	421	440
Эстония ССР	373	390

Маориф, соғлиқни сақлаш, социал-таъминот ва бошқа ижтимоий-маданий тадбирлар учун қилинадиган харажатлар бу бюджетларда анча ўрин олади.

Халқ хўжалик планида белгиланган ва умумдавлат аҳамиятига эга бўлган топшириқларнинг бажарилишини таъминлаш учун Иттифоқ бюджетидан 1964 йилда: Қозоғистон ССРга 1.235 миллион сўм, Арманистон ССРга 35 миллион сўм, Туркманистон ССР га 60 миллион сўм; 1965 йилда: Қозоғистон ССР га 979 миллион сўм, Туркманистон ССР га 77 миллион сўм қўшимча маблағ ажратилади.

* * *

Ўртоқ Гарбузов меҳнаткашлар кенг оммасининг иштирокида ҳамма нарсани ўз ичига оладиган ягона, доимий контролни бутун чоралар билан ривожлантириш зарурлиги тўғрисида батафсил гапирада:

Бизнинг мамлакатимизда бутун жамиятнинг ва унинг ҳар бир аъзосининг манфаатларига тамомила жавоб берадиган қонунлар системаси амал қилмоқда. Қонундан ҳар қандай четга чиқиш ҳолларига энг қатъий зарба берилиши лозим. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалик солиғи ҳақидаги Қонунни қўпол суратда бузиш фактлари ҳақида айтиб ўтиш керак. Партия-давлат контроли органлари бу йил бир қанча иттифоқчи республикаларда, ўлкаларда, областларда ана шундай фактларни очиб ташладилар. СССР Молия министрлиги айбдорларни қаттиқ жазолади, қишлоқ хўжалик солиқларини ва бошқа солиқларни олиш ишидаги камчиликларни бартараф қилиш чораларини кўрди. Молия системасининг ходимлари совет қонунларининг бузилишига бундан бўён сира йўл қўймаслик учун партия ва совет органларининг ёрдами билан ҳамма зарур чораларни кўрадилар.

* * *

Докладчи сўзининг охирида бундай деди:

СССР Министрлар Совети 1964—1965 йилги бюджет билан бир вақтда СССРнинг 1962 йилги Давлат бюджетининг даромадлар бўйича 84,3 миллиард сўм ва харажатлар бўйича 82,2 миллиард сўм миқдорида, яъни даромадлар харажатлардан 2,1 миллиард сўм ортиқ қилиб бажарилганлиги тўғрисидаги ҳисоботни СССР Олий Советининг тасдиқига тақдим қилади. Бюджетнинг бажарилиши ҳақидаги батафсил ҳисобот депутатларга тарқатилди.

Депутат ўртоқлар! СССРнинг 1964—1965 йиллардаги бюджети социалистик экономикани янада зўр куч билан юксалтириш ҳамда мамлакатимиз меҳнаткашларининг турмуш даражасини ошириш бюджетидир.

Партия ўзининг бутун фаолиятида Ленининг социалистик революция ғалаба қилгандан сўнг хўжалик қурилиши, экономика коммунизм учун қурашнинг ҳал қилувчи соҳаси бўлиб қолди, деган кўрсатмасига оғишмай амал қилмоқда. XXII съезд ва КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорлари билан қуролланган совет халқи Коммунистик партия ва унинг ўртоқ Н. С. Хрушчев бошлиқ ленинчи Марказий Комитети раҳбарлигида мамлакатимизда коммунистик жамият қуришдан иборат муқаддас мақсадга эришиш йўлидан ишонч билан олға бормоқда.

ХРОНИКА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан ўртоқ Г. Ф. **Наймушин** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси вазифасидан озод қилинди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.
Р. 14931. Индекс 64695. Нашр. № 1745.